БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ ЧИҚА БОШ... ● № 227 (18.105) ● 1 октябрь 1981 йил, пайшанба ● Баҳоси 2 тийин.

ТРИМ СУРЪАТИНИ ЯДДА ОШИРАЙЛИК!

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ — ХАБАР ҚИЛАДИ —

● Пиғим-терим мавсумининг биринчи ойи — сентябрь тугади. Шу ой мобайнида республикада 1.813.540 тонна пахта тайёрланди. Ана шу ҳосилнинг 729.158 тоннаси машиналар бункеридан бўшатилди. Сентябрь ойида Бухоро области пахтакорлари 290 минг тоннадан зиёд хом ашё тайёрладилар. Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областларининг дала гвардиячилари юксак суръатларга эришдилар.

● Лекин мавсумнинг биринчи ойида Хоразм ва Самарқанд областлари, Қорақалпоғистон АССР пахтакорлари йиллик планнинг 10—15 процентти миқдорида хом ашё тайёрладилар холос. Кунлик ўсиш 1,5—2 процентни ташкил этаётир.

● Октябрь ҳосил йиғим-теримида ҳал қилувчи ой. Бой берилган фурсатларни қайтариб бўлмайди. Бу ойда ҳосилнинг асосий қисмини саранжом-саришта қилиш биринчи даражали вазифадир. Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили план ва мажбуриятларининг муваффақиятли бажарилиши ана шу вазифанинг қай даражада бажарилишига боғлиқдир.

● Ҳар бир агрегат юксак унум билан ишласин! Кўп мингкилограммчи теримчилар мусобақаси янада авж олдирилсин! Ғанимат фурсатлардан самарали фойдаланайлик!

ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧЛАР

Ҳосил йиғ... Пискент райони... лари областда... лишмоқда. 29... ни бу ерда ку... йиллик планга н... процентни ташкил... кўрсаткич Комму... онида 7,05, Бўк... районларида эс... центга етди.

Ғалаба район... нинград» колхози... лари планни ша... бажариб, мажбу... бига пахта топш... Шу райондаги... колхози меҳнатка... йиллик планни б... лари ҳақида ра... лар.

* * *

Сирдарё облас... районининг мех... ри энг юқори кў... га эришяптилар. ... кунлик ўсиш 6,5... ни ташкил этаётк... терими плани эса... центгача уддалан... римда 620 агрега... моқда. Уларнинг... унуми 4,4 тоннан... этаётир.

Шу райондаги... 60 йиллиги» ... Исоқ Оқмирзаев... чилик қилаётган... заршунослари йи... тайёрлаш планини... бажардилар. Ет... да қўриқ ернинг... ридан 20 центнер... йиғиштириб олди... бул пунктига 475... ринчи сорт пахта... ди.

ЗАРШУНОС... ҲИММАТ...

Ромитан районид... манов номли колхо... хабар келди. Колхо... лари 1387 гектар... ҳар гектаридан 38... ҳосил кўтариб, йилл... муваффақиятли уд... Уларнинг уйган хир... тоннани ташкил этд...

Колхознинг С... Меҳнат Қаҳрамони... сунов бошлиқ бр... ҳар гектар ердан 46... дан ҳосил кўтарилди... коллективи рекорд... гектаридан 75 ц... хирмон кўтариш учу... моқда.

ЭНГ ЯХШИ НА...

Андижон обл... «Ямбол» совхозинн...

...ШИНАЛАР ҚУДРАТИ

Сурхондарё областида ма... наллар ёрдамида терил... наётган пахта ҳажми то... да ортиб бораётир. 29... тябрь куни область да... ларида 2110 агрегат жав... урди.

...ариносиё районидаги «Ле... град» колхози механиза... лари терим техникасн... ланча самарали фойда... моқдалар. Хўжалик ме... заторлари агрегатлар... кунлик иш унумини... тоннага етказишди. Бу... сть бўйича энг юқори... аткичдир.

...ОРЛАР НАМУНАСИ

...хус районидаги Бердак... м совхозининг теримчила... ...уп Совети депутати Би... ...ийша Эшербаева, Айтгул Бекимбетова, Камихон Тореннязова ва Бозор Айтаковалар кунига эл хирмонига 160-166 килограммдан дурдона тўкмоқдалар. Уларнинг ҳар бири мавсумда 12 тоннадан «оқ олтин» теришга сўз бериштган.

БИРИНЧИ БЎЛИБ

Бувайда районидаги Дзержинский номли совхоз Фарғона областида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш топширигини бажарди. Қўриқ хўжаликда ҳар гектар ердан 20 центнердан ҳосил кўтарилди ва қабул пунктларига 1170 тонна «оқ олтин» топширилди. Совхоз пахтакорлари ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш ва Ватанга ява минг тонна дурдона армуғон этиш учун курашмоқдалар.

Фарғона районидаги Ленин номли колхозининг Уммат Кўчиев бошлиқ бригадасида ҳосилининг ҳаммаси машиналар ёрдамида териб олинди. 118 гектар майдонининг ҳар гектаридан 26 центнердан хирмон кўтарилди. Коллектив 40 центнерлик марра учун курашяпти.

* * *

Сентябрь ойининг сўнгги кунларида Жиззах области далаларида 3200 дан зиёд пахта териш машинаси ишлатилди. Ҳар бир агрегатнинг кунлик иш унуми 3,7 тоннани ташкил этди. Механизаторлар мусобақасида арнасойлик дала гвардиячилари пешқадамлик қилмоқдалар. Бу ерда 583 машинанинг ҳар бири билан кунига 3,9 тоннадан пахта терилмоқда.

Жиззах районидаги Ленин номли совхоз деҳқонлари уруглик пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажардилар. Қабул пунктларига 1500 тоннадан зиёд юқори сифатли хом ашё топширилди.

Арнасой районидаги Тимошенко номли совхознинг Бозорбой Нориев бошлиқ бригадасига йиллик планни бажариш учун атиги тўрт кун кифоя қилди.

* * *

Хоразм область Янгиариқ районидаги Ленин номли колхозининг Сотиболди Хўжанафасов бошлиқ бригадаси кунлик пахта тайёрлаш миқдорини 10 процентгача етказмоқда. Бу коллектив 50 центнерлик маррани эгаллаш учун курашаётир.

ПЕШҚАДАМЛАР АҲДИ

Ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил оламиз — Китоб районидаги «Шарқ юлдузи» совхозининг Раҳмон Ҳамзаев бошлиқ бригадаси аъзоларининг аҳди ана шундай. Пешқадам бригада азаматлари гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтариб, йиллик топшириқни муваффақиятли уддалаб қўйдилар. Давлат улардан 162 тонна юқори сифатли хом ашё қабул қилиб олди.

* * *

Самарқанд областида қўйидаги районлар кунлик ўсишда оқсаяпти: Оқдарё районида — 1,14, Жомбой районида — 1,20, Иштихон районида — 1,16 процент миқдорида пахта тайёрланаётир.

СТАНДАРТЛАР ВА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

30 сентябрь куни Тошкентда меҳнат хавфсизлиги стандартлари системасини халқ хўжалигига жорий этишга бағишланган республика семинари бўлиб ўтди.

Семинар қатнашчилари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ғоят муҳим омилларидан бири — меҳнат хавфсизлиги стандартларини жорий этишга доир ишлар тажрибасини ўртоқлашдилар. (ЎзТАГ).

Замондошларимиз

ЧЕВАРЛАР САРДОРИ

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг кўплаб чевар теримчилари сафида Гулнора Маҳмудова ҳам бор. Мавсумда хирмонга 15 тонна «оқ олтин» тўкишга аҳд қилган чевар теримчи кунига 150 килограммдан пахта теришга муваффақ бўляпти.

Қ. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

ДЕҲҚОН МЕҲРИ ПАХТАДА

Пахта шон-шуҳратимиз, миллий ифтихоримиз, бойлигимиз. Ҳаётимиз гўзаллиги, турмушимиз фаровонлиги ҳам пахтадан. «Оқ олтин» номи билан аталган пахта шарофати билан эл-юртга танилдиқ, кўксимизни орден ва медаллар безаяпти. Бундай иззат-иқромга пахтани кўпайтириш, сортини яхшилаш билан жавоб бериш ҳаммамиз ва ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Мендан кўпинча «Бу йил пахта қалай?» деб сўрашади. Шуни айтишим керакки, йил пахтачилик учун яна ноқулай келди, кўп қийинчиликлар юз берди. Катта майдонларга икки-уч марталаб чигит экилганини айтиб ўтирмасам ҳам бўлади. Балки, азамат пахтакорларимизга, давлатимизнинг моддий-техника мададидан баҳраманд бўлиб, ҳалол меҳнат билан мисли кўрилмаган юқори ҳосил етиштирдилар. Комил ишончим билан айтаманки, терими уюшқоқлик билан ўтказсак, исрофгарчиликка бутунлай барҳам берсак, бригадалар, бўлимлар, колхозлар, совхозлар, районлар, областлар — ҳамма жойда пахта тайёрлаш планлари ва мажбуриятларимизни ортиғи билан бажаришимиз мумкин.

Бригадамизда пахта ҳосили айниқса мўл бўлди. Ҳозир ҳар туп ғўзада 12—14 тагача лўпни пахта очилди. Айниқса, машина теримига ажратилган майдонлардаги чаман-чаман пахтани кўрган кишининг дили қувонади. Меҳнат билан яратилган пахтамизнинг бир граммини ҳам нобуд қилмасдан йиғиб-теріб оламиз. Бригадамиз бўйича ҳосилдорликни гектар ҳисобига камида 65 центнерга етказамиз. Бошқа бўлим ва бригадалар пахтакорларининг ҳиммати ҳам бундан кам эмас. Совхозимиз бўйича 8 минг тонна фақат аъло сифатли пахта тайёрлаб, йиллик планни октябрь ойининг биринчи ўн кунлиги охирида бажаришиш ниятидамиз. Совхозимиз территориясида истиқомат қилаётган кишиларнинг ҳаммаси шуни кўзлаб пахта далаларида астойдил меҳнат қилмоқдалар. 55—60 центнерчи Кўшқ Бозоров, Норпўлат Рўзиевлар бошлиқ бригадаларнинг пахтакорлари теримда ўзгаларга ибрат бўлмоқда.

Мен теримда машина тарафдориман, Битта машина бир қунда 50-60 кўпминг килограммчи теримчининг ишини бажаришини кўп йиллик тажрибадан биламан. Шундай экан механик-ҳайдовчиларнинг унумли ишлашлари учун ҳамма шароитларни яратиб бермоғимиз, айни кезда улардан ишда катта масъулият талаб қилмоғимиз керак. Бригадамиз механизаторлари билан бафурҳа маслаҳатлашиб олдик. Уларнинг ҳар бири кунига 10—12 тоннадан пахта теришга сўз бердилар.

Илгор механик-ҳайдовчилар терим машиналари пахтакорларнинг чинакам мададкори эканини тўла исботлашяпти. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Илгор механизаторлар юқори кўрсаткичларга эришаётган бир пайтда, кунлик графикни эўрга бажараётган ёки турли сабабларга кўра бажармаётганлар ҳам оз эмас.

Шу ўринда айрим механизаторларга айтадиган гапимиз ҳам бор: қаловини топсанг қор ёнади дейишади. Баъзан эҳтиёт қисмлар етишмаётган экан, бундан нолийвермасдан, эскисини эпақага келтириб ишлатиш керак. Механизаторларимиз тайёрланган пахтадан бригада бошлиқлари билан баравар иқтисодий манфаат кўрадилар. Шундай экан, улар пахтани иложи борича теза-роқ, юқори сорт билан теріб олишда жонбозлик кўрсатишлари лозим. 6—7 тонна пахта терган механизатор 10—12 тонна, ундан ҳам кўп пахта тера олади. Меҳнат унумдорлигининг кўтарилиши планлар ва мажбуриятларнинг муддатидан илгари бажарилишига замин яратилиши демакдир.

Терим тобора қизитилаётган ҳозирги кунларда барча участкаларда мусобақани кучайтириш керак. Далада ишлаётганлар учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни бутун ғоралар оллан кучайтириш лозим. Совхозимизда, шу жумладан бригадамизда кўпминг килограммчи теримчилар сони кундан кунга ортяпти. Бегим Ҳидирова, Тўхта Жўраева, Барака Худойева, Санам Рўзиева, Дилором Тўраева каби юзлаб теримчилар ҳар куни 180—200 килограммга етказиб пахта теріб, юқори сорт билан хирмонга топширишяпти.

Мен турли сабаблар билан теримдан четда турган айрим кишиларга мурожаат қилмоқчиман: чаноқларга тўлиб турган пахта ҳаммани пахтазорларга чорлаяпти. Вақтида теріб, саранжомлаб олмасак ҳосилнинг бир қисми исроф бўлиши, сорт пасайиши мумкин. Бунга сира йўл қўйиб бўлмайди. Бугун ҳаммангиз теримга чиқинг, совхозимиз, районимиз, областимиз, қолаверса, республикамизнинг пахтачиликдаги шуҳратини янада оширишга ўз ҳиссангизни қўшинг!

Бригадамиз аъзолари гектаридан 65 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш ҳақидаги мажбуриятларини яқин кунларда бажарадилар.

Маҳкамой ҲАЗРАТҚУЛОВА,
Қашқадарё область Нишон районидаги Карл Маркс номли совхоз бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

МАШИНА ТЕРИНИ КЕЧИКМОҚДА

САБАБ: ДЕФОЛИАЦИЯНИНГ ВАҚТИДА ЎТКАЗИЛМАГАНЛИГИДИР

НУКУС. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). 495 минг тонна «оқ олтин»нинг 300 минг тоннасини «зангори кема»ларда теріб оламиз! Қорақалпоғистон пахтакорлари ва механизаторларнинг бу йилги аҳди шундай. Автоном республика далаларида қабул қилинган социалистик мажбуриятларни ошириб бажарадиган даражада мўл ҳосил тўпланди.

Навбат — етиштирилган ҳосилнинг бир граммини ҳам нест-нобуд қилмасдан йиғиб-теріб олиб, она-Ватанга етказиб беришга. Теримга пухта ҳозирлик кўрган, дефолиацияни вақтида, сифатли ўтказган, пахта териш машиналари ва теримда қатнашадиган бошқа механизмларни барвақт шай қилиб қўйган район ва хўжаликлар суръатни кун сайин оширмоқдалар.

Элликқалъа районидаги «Москва», «Октябрь 60 йиллиги», Охунбобоев номли совхозларда, Калинин номли колхозда, Беруний районидаги Навоий номли, Хўжайли районидаги Ленин номли колхозларда, Тўрткўл, Шуманай районларининг хўжаликларида ҳар куни йиллик планнинг 2—2,5 процентти миқдорида пахта тайёрланмоқда. Машина теримини бошлаган бўлим ва бригадалар ҳар куни йиллик планнинг 12—15 процентти миқдорида пахта тайёрлашмоқда.

Бироқ ҳамма районларда, хўжаликларда пахта терими жадал олиб бориляпти деб бўлмайди. Бунга асосий сабаблардан бири ҳосил ўтган йилдагидан анча кечикди баҳонаси билан машина теримининг бир ҳафта — ўн кунга кечиктириб юборилганлигидир. Дефолиация тезкорлик билан ўтказилмади. Энг кўп пахта берадиган Амударё, Элликқалъа, Чимбой, Тўрткўл, Беруний, Ленинобод районларида ҳалигача дефолиация тугалланганича йўқ. Дефолиациянинг кечиктирилиши терим суръатини сусайтириб юборди. Натижада автоном республика йиғим-теримда ҳалигача юксалишга эриша олгани йўқ.

Ҳосил тақдирини ҳал қиладиган ғанимат кунлар келди. Қорақалпоғистон АССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва Қорақалпоғистон АССР Госкомсельхозтехникаси раҳбарлари ғанимат дамларнинг қадрига етиб, машина теримини тезлаштириш чораларини кўришлари керак.

ВАТАНПАРВАРЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ — МУҲИМ ИШ

Тошкент маданият институтида бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларни коммунистик рухда тарбиялашда маданий-оқартув муассасаларининг ролини ошириш масалалари кўриб чиқилди. Конференция ишида профессор-ўқитувчилар состави билан бирга Ўзбекистон пойтахтидаги маданий-оқартув муассасаларнинг ходимлари ҳам қатнашдилар.

Марксизм-ленинизм ғояларини, коммунистларнинг Бутуниттифоқ анжумани қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейин қабул қилган қарорларини пропаганда қилиш соҳасида клублар, маданият уйлари ва саройлари, кутубхоналар тўплаган тажриба умумлаштирилди. Докладларда ва сўзга чиққан ўртоқларнинг нутқларида республика меҳнаткашларини ахлоқий-эстетик тарбиялаш, уларда ватанпарварлик, партия ва халқ ишига садоқат сингари фазилатларни шакллантириш соҳасида маданият ўчоқлари ишини янада кучайтиришга қаратилган тадбирлар ҳақида гапирилди. (ЎзТАГ).

ОЗАРБАЙЖОН ГУМАНИСТИ ХОТИРАСИГА

Ўрта аср шарқининг ажойиб мутафаккири ва шоири Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида 30 сентябрь куни Озарбайжон халқининг шу улуғ ферзанди таваллудининг 840 йиллигига бағишланган илмий конференция ўтказилди.

Шу минг йилликнинг бошларида яшаган Абу Муҳаммад Низомий-Ганжавий ўз асарларида ўша замонлар учун одатдан ташқари илғор фикрларни билдирган, мулкий тенгсизликсиз ижтимоий тузум унинг энг эзгу истаги бўлди. Конференция қатнашчилари Озарбайжон инсонпарвар шоирининг социал ва эстетик қарашларини, унинг ижоди Ўрта аср шарқида фалсафий тафаккурни, адабиётни ривожлантиришга ўтказган таъсирини, мамлакатимиз халқлари маданиятининг муштарак хазинасига қўшган ҳиссасини кўриб чиқдилар. (ЎзТАГ).

РОМИТАН ПАХТАКОРЛАР МАРРАГА ЕТДИЛАР

Бухоро областини... қабул пунктларига 4... олтин» топширдилар... пахта тайёрлаш йилл... ҳосилдорлик гектар... ...ойони пахтакорлари ...ори сифатли «оқ ...да биринчи бўлиб ...о этдилар. Районда ...тнерни ташкил этди. ...асига «Октябрь 50 ...ли совхозлар, Ленин ...номли, К. Маркс ...айниқса салмоқли ...

...Социалистик Меҳ... ...ошқарувчилик қилда... ...р майдонининг ҳар гектаридан 47 центнердан ҳосил кўтардилар. Эндиликда улар ҳосилдорликни 65 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Ҳосил йиғим-теримида 310 «зангори кема»ни бирлаштирган 22 та терим-транспорт отряди, 38 механизациялашган звено иштирок этди. «Ромитан» совхозидан Аҳмад Ҳамроев, «Октябрь 50 йиллиги» совхозидан Раҳим Наржуллаев, Ибн Сино номли совхоздан Саттор Собиров сингари моҳир механизаторларнинг ҳар бири уз агрегатлари бункеридан 200-260 тоннадан «оқ олтин» бўшатишди.

Ромитанликлар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига Ватанга яна 25 минг тонна «оқ олтин» армуғон этишга қарор қилдилар.

Муко... топширилди

Москвадаги Ленин... моли номли Октябр... люцияси орденли ва... Қизил Байроқ ордели... артистларининг респ... да салкам бир ой... этган гастроллари... Ўзбекистоннинг ўн м... томошабинлари улари... саклар билан кутиб... лар. Кўп миллатли... маданиятини пропаган... лиш ва бойитишда... роль ўйнаган, меҳна... ларни бадиий-эстетик... тарбиялашга актив... лашган гастролларни...

...ятли ўтказганлиги... атр Ўзбекистон ССР... Совети Президиуми... ...ахрий ёрлиғи билан... ...ланди.

...ктябрь куни Ўзбе... ...ССР Олий Совети... ...уминнинг Раиси И. Б. ...жаев пойтахт театри... ...вига тантанали ва... ...шу мукофотни топ... ...унга янгидан-янги... ...ниятлар тилади.

...комсомоли номли... ...бош режиссёри,... ...хизмат кўрсатган... ...рбоби М. А. Захаров артистларнинг ижодига берилган юксак баҳо учун астойдил миннатдорчилик билдирди, Ўзбекистонда улар самимий кутиб олинганликлари учун ташаккур изҳор қилди.

СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати З. Муҳаммаджонов москвалик ҳамкасбларини республика театр жамоат чиқиши номидан муносиб мукофот билан муборакбод этди. (ЎзТАГ).

СОВЕТ ...ИЯСИНИНГ ВИЗИТИ

КАМПАЛА, 30 сент... (ТАСС мухбири). Уганда... конгресси (УХК) ҳукмрон... тияси рахбарлигининг... — Уганда қишлоқ хўж... министри Сэм Мусига... билан савдо-иқтисодий... носабатларни кенгайтириш... мустаҳкамлашни ёқлаб г... ди. У УХК таклифига би... Ўзбекистон ССР ташқи и... министри, Осиё ва Аф... мамлакатлари бирдам... совет комитети президи... нинг аъзоси Б. А. Абдура... ...ов бошчилигида бу... ...либ турган делегация... ...учраши.

...а Уганда ҳукумати... ...ҳоқи билан алоқа... ...ҳкамлашга катта... ...раётганлигини таъ... Бузетемда СССР... ...ган курилган ишла... ...ник коллежининг... ...юксак баҳолади. ...қишлоқ хўжалиги... ...малакали мута... ...ёрлаш ишига... ...қўшмоқда. Шу... ...битириб чиққан... ...амлакат далала... ...ермаларида му... ...ваффақиятли меҳнат қилмоқда.

Уганда министри совет вакилларига Уганда ҳукуматининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришга оид режалари ҳақида гапириб берди. Ҳозирги босқичда бизнинг асосий вазифамиз, деди у, — мамлакат аҳолисини қисқа вақт ичида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан, шунингдек кофе, пахта ва чой сингари экспорт қилинадиган муҳим экинлар етиштиришни тиклашдан иборат.

С. СОКОЛОВ.

ПАХТА-ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 30 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Бухоро	3,70	50,90	3,90	28,13
Тошкент	6,02	49,88	6,88	50,35
Фарғона	2,52	42,04	3,07	17,24
Сурхондарё	2,10	39,59	2,01	22,70
Наманган	3,31	36,27	3,04	24,61
Қашқадарё	2,92	35,54	2,33	20,19
Андижон	2,35	29,05	1,71	8,88
Сирдарё	4,77	27,58	5,67	26,44
Жиззах	3,64	19,39	4,28	20,16
Хоразм	2,14	16,16	1,23	4,35
Самарқанд	1,42	10,57	0,42	0,97
ҚҚАССР	1,34	9,78	0,42	1,11
Республика бўйича:	2,91	31,05	2,88	18,84
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Бухоро	6,29	48,12	—	—
Наманган	5,22	34,72	—	—
Сурхондарё	1,92	29,47	1,86	13,11
Қашқадарё	0,84	11,65	0,07	0,98
Республика бўйича:	2,02	25,77	1,08	7,74

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

СССР Олий судининг таклифига биноан Совет Иттифоқига келган Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитети ва Революцион кенгашининг аъзоси, Афғонистон Халқ Демократик Республикаси Олий судининг раиси Низомитдин Таҳзиб Тошкентда меҳмон бўлиб турибди. Меҳмон шаҳар бўйлаб сафар қилди, Ўзбекистон ССР Олий судига борди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев 30 сентябрь куни Низомитдин Таҳзибни қабул қилди. Дўстона вазиятда ўтган суҳбатда СССР Олий суди раисининг биринчи ўринбосари С. И. Гусев, Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси Х. Қ. Мухитдинова иштирок этдилар.

* * *

Франция коммунистик партияси ветеранлари группаси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини, Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасини бориб кўрдилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

30 сентябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида француз коммунистлари қабул қилинди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика сув хўжалиги органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш бош бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Лутфи Алисевич Тиллаевни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика сув хўжалиги органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ЯНГИЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

Наманган шаҳар партия комитети Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли шойи газламалар комбинати партия ташкилоти ва маъмуриятининг меҳнатни ташкил этишнинг коллектив формасини жорий этиш тажрибасини ўрганди. Корхона меҳнат аҳли КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг иш самарадорлиги ва сифатига таъсирини кучайтириш тўғрисидаги қарорига ҳамда илғорлар тажрибасига асосланиб, прогрессив иш услубини қўллаш туфайли яхши натижаларга эришмоқдалар.

Ҳозир комбинатда 13 та бригада янги система бўйича ишламоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, уларда меҳнат унумдорлиги анча ўсди, иш ҳақи кўпайди, маҳсулот бирлиги ишлаб чиқариш учун сарф қамайди, меҳнат ва технологик интизом яхшиланди, прогуллларга, кадрлар қўнимсизлигига деярли чек қўйилди. Буни шундай мисолда кўриш мумкин. Бўяш-пардозлаш цехининг комплекс бригадасида маҳсулот ишлаб чиқариш 20 процентга, меҳнат унумдорлиги 30 процентга, иш ҳақи 20 процентга кўпайди. Шунинг учун ҳам бу йилнинг ўзида яна 800 ишчини меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада формасига кўчириш мўлжалланмоқда.

Шаҳар партия комитетининг бюроси таъкидлаб ўтганидек, бу янгилик ҳар бир киши қўшадиган ҳиссасининг салмоғини орттириш имконини беради, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш учун ҳар бир ишчининг манфаатдорлигини оширади. Илғор тажрибани кенг ёйиш мақсадида комбинатда мактаб очилди. Шаҳар корхоналарида меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг янги системасини жорий этишга қаратилган тадбирлар белгиланди.

ИЗДОШЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Андижон шаҳрининг меҳнат коллективларида ўн беш-лар ташаббусининг издошлари кўпайиб бормоқда. Асфальт-бетон заводининг И. Рўзиев бошлиқ операторлар бригадаси, машинасозлик заводининг токари В. Верещагин, автокомбинат ҳайдовчиси Я. Арабов, «Электроаппарат» заводининг металл қирқувчиси Б. Тойлоқов, локомотив депосининг слесари М. Тешабоев, тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг чевари С. Маматқулова ва бошқа бир қанча корхоналарнинг илғор ишчилари биринчиларидан бўлиб ватанпарварлик ташаббусига қўшилдилар.

Шаҳар партия комитети уларнинг қабул қилган оширилган социалистик мажбуриятларини кўриб чиқди ва маъқуллади. Бошланғич партия ташкилотларига қимматли ташаббусни кенг ёйиш, меҳнат коллективларида социалистик мусобақа қизғин тус олиши учун барча шароитларни яратиш, новаторларнинг ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаш вазифаси топширилди.

СИФАТ — АСОСИЙ МАСАЛА

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар комплексида маҳсулот сифати муҳим ўрин тутади. Шуни назарда тутган Навоий шаҳар партия ташкилотлари сифатни бошқаришнинг комплекс системасини ривожлантириш соҳасида катта ишлар қилмоқдалар. Ремонт-механика заводида, «Навоиазот» бирлашмасида, сут заводида ва бошқа қатор корхоналарда стандарт нормаси ишлаб чиқилиб, жорий этилмоқда. Бу норматив ҳужжатларнинг қўлланиши ишлаб чиқаришнинг барча звенолари фаолиятини тартибга солади, ҳар бир ижрочининг конкрет вазифасини белгилаб беради. Натижада биргина «Навоиазот» бирлашмасидан уч хил маҳсулот давлат Сифат белгисига сазовор бўлди.

Ремонт-механика заводида бенуқсон маҳсулот тайёрлашнинг Саратов системаси ишчиллик билан жорий этилмоқда. Бу ерда маҳсулотлар мунтазам равишда аттестациядан ўтказиб турилади. Кўпчилик корхоналарнинг бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида сифат масаласи жиддий муҳокама қилинмоқда. Маҳсулот сифати социалистик мусобақа якунларини чиқарганда асосий кўрсаткич сифатида қаралмоқда.

Бироқ, умуман олганда маҳсулот сифатини талаблар даражасига кўтариш учун ҳали кўп ишлар қилиш керак.

Қатор корхоналарнинг раҳбарлари ва партия ташкилотлари сон кетидан қувиб, сифатга эътибор бермаётирлар. Шаҳар партия комитетининг бюроси юқорида номлари тилга олинган корхоналарнинг ютуқларини умумлаштириш билан бирга йўл қўйилаётган камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтди, уларнинг раҳбарлари ва партия ташкилотларига камчиликларни тугатиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш вазифасини топширди.

ТЕХНИКА — ЕШЛАРГА

Бухоро область партия комитети ёшларга ҳунар-техника таълими беришга, ўқувнинг усул ва услубларини такомиллаштиришга, билим юртларининг ўқув базаларини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият беряпти. Яқинда обком бюросида область ижроия комитети ҳунар-техника таълими бошқармасининг кадрлар танлаш, уларни жойжойига қўйиш ва тарбиялаш борасидаги фаолияти муҳокама қилинди.

Айни вақтда областдаги 52 та ҳунар-техника билим юртида 1430 ўқитувчи ва мастер ишламоқда. Уларнинг сифат состави кейинги йилларда анча яхшиланди. Индустриал-педагогика техникуми базасида ишлаб чиқариш таълими мастерлари тайёрлаш йўлга қўйилган. Бухоро технология институтида ҳунар-техника таълими системаси учун инженер-педагоглар тайёрланмоқда. Шу йилнинг ўзида 31 киши машинасозлик ва қурилиш бўйича малакали мутахассис дипломини олди. Буларнинг ҳаммаси билим юртларида таълим-тарбия ишининг яхшиланишини таъминлаяпти.

ТЎРТ ЙИЛДАН БЕРИ КОСМИК УЧИШДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 29 сентябрь. (ТАСС). «Салют-6» илмий станцияси тўрт йилдан бери Ер атрофи орбитасида муваффақиятли ишлаб турибди. У Москва вақти билан соат 13 гача Ер атрофидан 23030 марта айланиб ўтди.

Илгари хабар берилганидек, станцияда бешта асосий экспедиция ва бориб қайтувчи 11 та экспедиция илмий-тадқиқотлар программасини муваффақиятли бажарди. Станциянинг кеши бошқарадиган режимда ишлаши 676 сутка бўлди. Станцияни «Прогресс» юк кемалари ёрдамида таъминлаб турувчи самарали системаси ўзини тамомила оқлади. Ўтказилган ремонт ишлари станция ичидаги бир қанча системалар ва ускуналарнинг ресурсини оширишга, станциянинг актив ишлаш муддатини анча узайтиришга имкон беради.

Узоқ учиш программасини бажариш чоғида кеши бошқарадиган ва автомат космик аппаратлар билан 35 марта туташтириш амалга оширилди, космонавтлар уч марта очиқ космосга чиқдилар. Станция экипажлари жуда катта тадқиқот ва эксперименталр программасини бажардилар, кўпдан-кўп қимматли ахборот олишди, у фан ва техникасининг турли соҳаларида кенг қўлламда қўлланмоқда.

Ҳозирги вақтда «Салют-6» станцияси 1981 йилнинг 19 июнида станция билан туташтирилган Ернинг сунъий йўлдоши «Космос-1267» билан бирга автомат режимда учмоқда. Белгиланган программа мувофиқ узоқ космик учиш шароитларида комплекс ичидаги системалар ва ускуналарни синаш давом этмоқда.

Телеметрик ўлчаш маълумотларига кўра, «Салют-6» — «Космос-1267» орбитал комплексининг ичидаги системалар нормал ишлаб турибди. Учишни бошқариш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

«ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ» МАВЗУИДАГИ КОНКУРС

Мамлакат Ички ишлар министрлиги коллегияси билан СССР Журналистлар союзи правленеси «Халққа хизмат қиламиз!» шиори остида энг яхши очерк учун конкурс эълон қилди. Конкурс милициянинг кундалик ишларига, ички ишлар органлари ходимларининг машаққатли, баъзан эса хатарли меҳнатига бағишланган.

Профессионал журналистлар ва матбуот штатсиз активларининг 1981 йил 1 январдан то 1982 йил 1 октябрга ча бўлган давр ичида газета ва журналларда эълон қилинган асарлари конкурсга тақдим этилиши мумкин. Ўзбекистонда конкурс материалларини республика Ички ишлар министрлиги, Ички ишлар бошқармаси ва журналистлар ташкилотлари қабул қилиб оладилар.

Ўн учта энг яхши очерк мукофотлар билан тақдирланади. 500 сўм миқдорида битта биринчи мукофот, 400 сўм миқдорида иккита иккинчи мукофот, 300 сўм миқдорида бешта учинчи мукофот ва ҳар бири юз сўм миқдорида бешта рағбатлантирувчи мукофот белгиланди.

Асарларни конкурсга тақдим этиш 1982 йилнинг 1 октябрида тугалланади. Уша йилнинг 10 ноябрида —Совет милициясининг кунида жюри ижодий мусобақанинг якунларини маълум қилади. [ЎзТАГ].

ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРЧГА САДОҚАТ: ЎЗБЕКИСТОН — НОҚОРАТУПРОҚ ЎЛКАГА

ДЎСТЛИК РИШТАЛАР

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»НИНГ НОВГОРОД ОБЛАСТИ «УЗПАРФИНОВОДСТРОЙ» ҚУРИЛИШ ИШЛ... БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ МУХБИРЛАР ПУНКТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ноқоратупроқ ўлкани ўзлаштириш эндиликда умумхалқ иши бўлиб қолди. Бу қутлуғ ҳаракатда мамлакатимизнинг барча халқлари қатори ўзбекистонлик қурувчи ва мелиораторлар ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Қуйида Парфинодаги мухбирлар пунктидан йўлланган навбатдаги хабарлар билан танишасиз.

ҲОВЛИ ТУИЛАРИ

«Дружба» посёлкасида янгидан барпо этилган 6 та икки қаватли уй-жой биносида ҳовли тўйлари ўтказилди. Бу, «Тошкент» номи билан юритилаётган кўчадаги ўттиз биринчи бино бўлиб, уларни тиклашда бошқарманинг 1-ихтисослашган кўчма колоннаси бунёдкорлари ҳиссаси катта.

Бошқарма бунёдкорлари бу йил 4 минг квадрат метр уй-жой қуриб, фойдаланишга топширадилар. Ўтган тўқиз ой давомида пландаги 2600 квадрат метр ўрнига 3155 квадрат метр уй-жой биноси ишга туширилди. Қурувчилар ўртасидаги мусобақада Т. Иванова, В. Фахриддинов ўртоқлар бошлиқ пардозловчилар ва ғишт терувчилар бригадалари пешқадамлик қилмоқдалар.

МАЙДОНЛАР ЭКИШГА ТАЙЁР

Совхознинг «Берёзка» участкасидаги мавжуд 1100 гектар майдоннинг 258 гектари барвақт ўзлаштирилди. Давлат комиссияси экишга тайёр майдонларни «аъло» баҳода қабул қилди. Бу ишда бошқарманинг Ю. Козлов бошлиқ комплекс механизациялашган бригадаси коллективи алоҳида ўрнак кўрсатди. Бригада ўз ихтиёридаги 12 та оғир типдаги «Т—130», «С—100» тракторлар, 4 та «ЭТЧ—202» экскаватор ва 26 та турли хил механизмларни унумли ишлатди. Коллектив янгидан 200 гектар майдонни 7 ноябргача ўзлаштиришга аҳд қилди.

БАЙРОҚ ОЛҒА ЧОРЛАЙДИ

Съездлар йилида бошқарма бунёдкорлари минг гектар ер ўзлаштириш мажбуриятини олганлар. Тўққиз ой мобайнида 800 гектар майдон деҳқончилик учун тахт қилиб қўйилди. Рустамжон Султонов бошлиқ 1-механизациялашган кўчма колонна механизаторлари ерларни текислаш, ариқ-зовурлар қазиш ишларида пешқадамлик қилишяпти.

«Главнечёрноземводстрой» бирлашмаси ташкилотлари ўртасидаги иккинчи квартал мусобақасида «Узпарфиноводстрой» бошқармаси яна ғолиб чиқди. Эришилган бу ютуқ учун коллектив СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳамда тармоқ касаба союзи Марказий... митетининг кўчма ... байроғини қўлга ки... Байроқдан руҳланган ... лектив йиллик топ... ларни 7 ноябрга қада... далашга сўз берди.

ҲАМКОРЛИК

«Узпарфиноводстрой» автомобиль бошқармаси ... лективи райондаги транспорт корхоналар... бири бўлиб қолди. ... бу ерда 100 дан ортиқ ... томашина унумли ишл... рибди. Автомобилчилар... асосий вазифаси «Др... совхозини қураётган ... корлар ва мелиорат... нинг оғирини енгил... ҳар ишда ҳамкор бўл...

Автомобилчилар ойлик топшириқларин... вақт бажариб, ўтг... ойнинг ўзида 26 минг... га 40 минг тонна ха... жалик юклари таш... ришди. Коллектив топшириқларни декабр... ...ар уддалаб, пландан ...ри 50 минг тонна юк ...га бел боғлаган.

КУТУБХОНА БОИЙМОҚДА

...фино мелиораторлари ...хонаси адресига Ўзбе... н ССР Сув хўжаликла... ...рилиши давлат коми... ...ан посилка келди. Уи... ...рдош халқлар тилида ... этилган ўнлаб бадиий ...ар бор. Ҳозир кутуб... жавонларидан юзлаб ...да илмий-оммабоп, қиш... хўжалиги, техника ва ...ий адабиётлар жой ол... Кутубхонага Парфино... маҳаллий мактаб ўқув... ри ва оталиқ ташкилот... ...ан совға қилинган ки... ...ан келиб турибди.

БЎЛАЖАК МЕЛИОРАТОРЛАР

...арфинодаги янги ўқув ...инатининг очилганига ... бўлгани йўқ. Қисқа ...ат ичида бу ерда юзга ... малакали мелиоратор... тайёрланди. Ҳозир ўқув ...инатида янгидан 150 ...ар бўлажак мутахассис... таълим оляпти. Улар ...ан шоферлик ва трактор... ...ик касбларини эгаллаб ...шади.

А. ТУРҒУНБОЕВ, В. СТОББО.
...Новгород области, Парфи... ...о районы.



Олмалиқ ғилам фабрикасининг бир группа илғор ишчилари беш йиллик топшириқларини тўрт йилда бажариш ташаббусини бошлаб беришди. Уларнинг бири — ёрдамчи мастер Рахим Бердиев ҳозир 1982 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. У рақбарлик қилаётган бригада тайёрлаган маҳсулотлар давлат Сифат белгиси остида чиқмоқда. Суратда: мусобақа пешқадами Р. Бердиев.

В. Сироткин фотоси.

ПАХТАКОРГА ҲАММА МАДАДКОР

МАСЪУЛИЯТЛИ ПАЛ...

Улкан пахта хирмони ...ийиш мақсадида баракали меҳнат қилаётган дала меҳнаткашларининг етиштирилган ҳосилни барвақт йиғиштириб олишлари уларнинг сиҳат-саломатликлари, бардамликларига ҳам боғлиқ. Деҳқонлар, механизаторлар соғлиғини муҳофаза қилиш эса областимиз кўп сонли шифокорларининг шарафли бурчи ҳисобланади.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг саломатликлари тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келаётир. Ҳар йили янгиданянги даволаш тармоқлари қурилаётгани, медицина муассасаларининг сони кўпайиб, моддий-техника базаси мустаҳкамланаётганлиги ана шу ғамхўрлик намунасидир. Район ва қишлоқларга кўплаб малакали кадрлар борляпти. Колхоз ва совхозлардаги даволаш-профилактика муассасаларида кўрсатиладиган ёрдам йил сайин ортмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида Ленин, Москва, Балиқчи, Хўжаобод районларида ҳар бири 240 ўринли касалхона корпуслари қурилиб фойдаланишга топширилди, қатор районлардаги шифохоналарда оналар ва болалар бўлимлари очилди. Болалар поликлиникалари яхши жиҳозланган бинолар билан таъминланди. Марҳамат районидаги сутли овқатлар тайёрлайдиган ошхона реконструкция қилинди. Яна бешта районда шундай ошхоналар қурилмоқда. Ҳозир областимизда ўн тўрт минг ...олти юз беморни қа... ...лиш имкониятига эга... турли касалхоналар... турибди.

Даволаш муассасалари... янги медицина асб... налари билан таъ... тубдан яхшиланди. ...шерлик-акушерлик ... ри кенгайтирилди. ... Ҳозиргача дала ший... ...айниқса қишлоқ мех... ...ларини аптечка, холодиль... ...ларини даволаш, ...к, водопровод суви билан ...зарур дори-дармонла... таъминланди. Айрим жой... таъминлаш даражаси... ...рда артезиан қудуқлар ...моқда. Қишлоқ полни... зилди. Пахта теримига ... ва шифохоналарида ...ишиш олдидан ҳар бир ме... ...ли врачлар ҳамда ...анизатор, бригадир медицо... ...диниа ходимлари ...а кўригидан ўтказилди. Шу ... бормоқда. Даволаш ...ларда турли дори-дар... ...салари модий-техн...ларни бевосита даланинг ...засининг мустаҳ...ида олиш мумкин. Медицо... ...бориши ихтисослашга ...ходимлари пахтакорлар, ...бўлимлар очиш, тиф...механизаторлар, ҳашарчилар ...дам кўрсатиш ...аломатлигини тез-тез тек... ...марказлаштириш ...ириб, профилактика ишла... ...тини бераётир. ...Ни олиб борадилар. Заруқишлоқ аҳолисига ...ат бўлса беморларга ўша ...лаётган медицина ...ойнинг ўзида участка, рай... ...даражасини ...шон ва область касалхона... ...тенгластиришдан ...ига йўлланма берилади. ...Пахта йиғим-тери... ...Шифокорлар деҳқонлар са... ...ладиган медицина ...аломатлигини муҳофаза қи... ...тубдан яхшиланди. ...ниш билан бирга медицина ...соғлиқни сақлаш ...мавзуларида турли суҳбат ...қошида даволаш ...ҳамда лекциялар ўтказади... ...ларининг пахта ...лар. Кеси келганда этак ...тибий ёрдам ...боғлаб пахтакорлар билан ...марказлаштирувчи ...сина-ён пахта ҳам терадилар. Бир сўз билан айтганда, кўпминг кишилик шифо... ...зилган. Шунингдек, ...корлар зиммага олган социа... ...район касалхонасида... ...листик мажбуриятларини ба... ...лар, ўрта медицина ...жаришлари йўлида пахта... ...ларидан иборат ...корларга ҳақиқий мададкор ...ишлаб турибди. ...бўлаверадилар.

...бригадага ўрта мед... ...дими, хўжаликка ...тадан врач бирки... ...дан ташқари район ...рур медицина асб...

А. ХУЖАЕВ,
Андижон область соғлиқ...ни сақлаш бўлимининг мудири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ОМАД БОЗОРИ»

Газетамизнинг шу йил 19 апрель сонида босилган юқоридаги сарлавҳали фельетонда Сирдарё область Госснаби бошқармасида йўл қўйилаётган баъзи камчиликлар, шу жумладан, унинг бошлиғи О. Йўлдошев томонидан ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш каби айрим фактлар, молия-хўжалик ишларидаги нуқсонлар очиб ташланган эди.

Фельетон юзасидан СИРДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ редакциямизга йўллаган жавобда қуйидагилар маълум қилинади.

— Область Госснаби бошқармаси бошлиғи О. Йўлдошев томонидан фондсиз ва фонддан ташқари моллар бериб юборилганлиги, бухгалтерия иши устидан етарли назорат ўрнатилмаганлиги, бу эса 3504 сўмлик давлат маблағининг талон-торож бўлишига ва ўзлаштирилишига сабаб бўлганлиги, ўриндошлик бўйича ишга ноқонуний устама белгиланганлиги, меҳнат шартномалари нотўғри тузилганлиги сингари фельетонда кўрсатилган фактлар асосан тасдиқланди.

Ўзбекистон ССР ... коллегияси бўйруғ... бошқарманинг мол... фаолияти устидан ... назорат ўрнатганлиги, ... вишда молия, касс... қоидаларининг ... йўл қўйганлиги уч... дошевга огоҳланти... қаттиқ виговор бе... нингдек, текшириш... дошевнинг хатти... хизмат вазифасини... мол қилган, деб ...

Бироқ унинг хатти-ҳаракати жамоатчиликка катта хавф туғдирмаганлиги учун прокуратура органлари томонидан О. Йўлдошевга нисбатан Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 49-моддаси қўлланиб, уни тарбиялаш коллективга топширилди.

Давлат маблағини ўзлаштирганлиги ва талон-торож қилганлиги учун бош бухгалтер ўринбосари Л. П. Колесникова жиноий жавобгарликка тортилди.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

СССР 60 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

Наманган районидаги «Учқун» газетасининг махсус сонларидан бири СССР ташкил топганлигининг 60 йиллик юбилейига бағишланди. Унда улуғ санани муносиб кутиб олиш учун астойдил қурашаётган район меҳнат аҳлининг ишлаб чиқариш ва маданий ҳаётда эришаётган ютуқлари, уларнинг интернационал дўстлиқка садоқати тараннум этилади. Саҳифаларда «Коммунизм» колхозининг бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ж. Каримова, «Партия XXII съезди» колхози товуқбоқари Цой Дин Чан, Хонобод қишлоқ участка шифохонасининг ходими Екатерина Бойматрзаеваларнинг «Партия бахт берди», «Советлар Иттифоқининг гражданиман», «Белоруссия ватаним, Наманган уйим» сарлавҳали мақолаларини ўқиш мумкин. Улар совет халқларининг қардошлиги тобора мустаҳкамланиб ва жиплашиб бораётганлиги ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қиладилар.

Шунингдек, республика аҳамиятига молик пенсионер Ю. Мавлоновнинг «Оддий омочдан йирик тракторгача», Тельман номли колхознинг кенса сабзавоткори Х. Қўқоровнинг «Шукрона» сарлавҳали мақолалари ҳам шавқ билан ўқилади. Газета махсус сони район меҳнаткашларининг СССР 60 йиллиги шарафига бошланиб кетган мусобақасини чуқурроқ ёритишга қаратилгани билан ҳам ибратлидир.

ФАН-ТЕХНИКА РЕВОЛЮЦИЯСИ

НАЗ... МАСАЛ...

Ривожланган социализм жамиятининг характерли белгиларидан бири фан-техника революцияси ютуқларининг бошқаришнинг социалистик системаси афзалликлари билан уйғун боғланишидир. КПСС В. И. Ленининг «...Илмнинг бизда қуруқ ёки расмий гап бўлиб қолмаслиги... илмнинг ҳақиқатан ҳам бутун вужудимизга сингиши..., тўла ва ҳақиқий равишда ҳаётимизнинг таркибий элементига айланиши» зарур деган кўрсатмасига амал қилиб, фан ва техникани ривожлантиришни коммунистик жамият қуришнинг энг муҳим шарти, деб ҳисоблайди.

Фан-техника тараққиётига раҳбарлик шу кундаги гоят муҳим вазифадир. В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ бизнинг давримизда фан ва техника соҳаси социализмнинг капитализм билан мусобақасида муҳим жанг майдони эканини таъкидлаган эди. «... Кимнинг энг яхши техникаси бўлса, ғолиблиги, интизоми ва машиналари яхши бўлса, ўша устун чиқади». Дўхий «... Бутун илм-фанни, техникани, бутун билимларни... олиш керак. — деб таълим берди. — Бусиз биз коммунистик жамият турмушини қуролмаймиз».

Фан-техника тараққиётига партиявий раҳбарлик масалалари партия съездлари, КПСС Марказий Комитети пленумлари қарорларида ... да ривожлантирилди. «80-йилларда халқ хўжалиги ривожланадиган шарт-шароитлар фан-техника тараққиёти жадаллаштирилишини яна ҳам кўпроқ зарур қилиб қўяди,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съезди минбаридан туриб. — Ҳеч кимни илм-фан катта аҳамиятга эга эканлигига ишонтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Коммунистлар партияси янги жамият қурилишини илм-фансиз мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди, деган фикрга асосланади».

Ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг интенсив омиллари ролини кучайтиришга асосий эътибор берилаётган ҳозирги пайтда бу сўзлар гоят актуал янграмоқда. Партиянинг илмий-техника сиёсати ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш тўғрисида ленинча ғамхўрлик билан суғорилган бўлиб, буни Ўзбекистонда хўжалик қурилиши кўламларининг муттасил кенгайиб бораётганлиги ҳам ёрқин тасдиқлаб турибди. Республика меҳнаткашларининг ўтган беш йилликда эришган ютуқлари партия ташкилотлари олиб борган катта ташкилотчилик ва сиёсий ишлар натижасидир, хўжалик юритишнинг ленинча принципларини ҳаётга изчил татбиқ этилаётганлиги, ягона техника сиёсати амалга оширилаётганлиги меҳнат ва ижтимоий активликни ошириш натижасидир. Бу... ларнинг ҳаммаси социалистик ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг бутун жараёнини планли равишда такомиллаштира бориш имконини бермоқда, социал-синфий тафовутларни изчиллик билан йўқотиш жараёнини амалга оширишга ёрдам бермоқда.

Ҳозирги замон фан ва техникасининг имкониятлари социалистик ижтимоий муносабатларга қўшилиб, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишнинг асосий шарт-шароитини ташкил этади. Социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари фан ва техника тараққиётини тезлаштириш ҳамда улардан жамият манфаатлари йўлида оқилона фойдаланиш учун ҳамма зарур шарт-шароитни яратиб беради. Мамлакатимизнинг ҳамма республикалари, жумладан Ўзбекистонда ҳам энг мураккаб вазифалар ва проблемаларни олдинга суриш ва уларни муваффақиятли ҳал этиш имконини берувчи қудратли илмий-техника потенциали мавжуддир. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, иш жойларини замонавий меҳнат қуроллари билан жиҳозлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот хилини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, халқ хўжалиги тараққиётининг суръатларини тезлаштириш ана шу вазифалар ва проблемалар ичида энг муҳимларидир.

Ягона техника сиёсатининг ўтказилиши, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг кенгайтирилиши, фан ва техника ютуқларининг халқ хўжалигига ўз вақтида жорий этилиши туфайли социалистик кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқариш жараёнини планли асосда такомиллаштириш мумкин бўлмоқда.

Республика саноат корхоналари партия ташкилотлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг техник даражасини ошириш ва сифатини яхшилаш, прогрессив технологияни жорий этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаш бўйича катта иш қилдилар.

Ўтган беш йилликда юздан ортиқ корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг 500 га яқин хили давлат Сифат белгиси учун аттестациядан ўтказилди. 1980 йилда республикада 256 корхона 2 минг хилга яқин бўюмни Сифат белгиси билан чиқара бошлади.

Машиналар, ускуналар, приборлар ва материалларнинг янги типларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Масалан, «Ўзбекхиммаш» заводи ТВ-175-5,5 типидаги соатига 7500 кубометр иш унумига эга бўлган трубага ҳаво ҳайдаш машинасини жорий этиш топшириғини ошириб бажарди. Ангрендаги «Резинотехника» заводида иссиққа чидамли резина диафрагмаси ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Оҳангарон цемент комбинати жуда қаттиқ иссиқликни иҳота қилувчи материаллардан плиталар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Енгил, озиқ-овқат, гўшт-сут саноати корхоналарида янги технологияни жорий этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаш тадбирлари актив амалга оширилмоқда.

Ўтган беш йиллик давомида 4 мингдан ортиқ янги саноат маҳсулотлари турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, 4 мингдан зиёд ускуналар модернизация қилинди, мингдан ортиқ механизациялашган поток ва автомат линиялар ишга туширилди. Технология жараёнларини, агрегатлар ва қурилмаларни бошқаришнинг эллиққа яқин автомат системаси жорий этилди. Бунинг натижасида йилига 460 миллион сўмлик иқтисодий самарага эришилди. Қўшимча фойда эса 240 миллион сўмга яқин бўлди. 35 минг киши бошқа ишларга ўтказилди.

Бу ва бошқа жуда кўп мисоллар шуни кўрсатадики, ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида, Коммунистик партия ва Совет давлатининг Ўзбекистонда фан ва техника тараққиёти тўғрисида қилаётган доимий ғамхўрлиги туфайли, Ўзбекистонда партия ташкилотининг зўр матонат билан олиб борган натижасида ... ра қудратли илмий-... тенциали вужуд... ди. Республика... 200 муассаса ... ҳат ишларини ... да, 80 мингдан ... илмий тадқиқот ... техника ва техн... лаб чиқиш соҳа... ат қилмоқда. Бу... тонда социал-... ва маданий тара... борининг жиддий ка... за оладиган с... ...дир. КПСС Х... ...ди фан-техника ... ини янада ривожла... ...янги қудратли ту... ...ди. Съезд совет ... ...вчилик фаолиятий... асосланган ма... ...ина программасини ... чиқ... ...ди. Бу програ... ...вофиқ фан-техни... ...қиёт... ...тини тезлатиш ... ...мия... ...тининг муҳим ... ...ари... ...дан биридир.

Ўзбекистон ... яси Марказий Ком... республика ҳукум... мингинчи йилгача ... ...варг... мўлжаллаб ту... ...мда фан-техника ... ...тини тезлатишга қ... тад... бирдар комп... ...малга оширмоқдалар. ...грамма барча узоқ ... фан-техника прогн... ...му... ...жассамлаштир... шу йўл билан ф... ...ника тараққиётини ... тенциялари... ...б беради.

Фан-техника ... ...қиёти комплекс программасида илмий ечимлардан кенг фойдаланиш йўли билан юксак пировард натижаларга эришишда фан ва техниканинг ролини янада ошириш, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ягона техника сиёсатини ўтказиш, ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантиришни тезлатиш, маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, прогрессив техника ва технологияни жорий этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш эътиборда бўлади.

Бутуниттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистон экономикасининг регионал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда пахтачилик соҳасида, аввало ғўзанинг интенсив типдаги (10-12 кун тез пишадиган, барги табиий тарзда яхши тўкиладиган, толаси сифатли, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли) янги серҳосил навларини яратиш, пахта етиштиришнинг принцип жиҳатидан янги агротехника усуллари ва воситалари, юксак унумли машиналар комплексини яратиш ва бу билан хозирги даврдагига нисбатан 2,5 баравар кўп майдонда пахта етиштириш ва уни териб олишни механизациялашни таъминлаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини илдам ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга дон етиштиришни, айниқса шоли етиштиришни, боғдорчилик, узумчилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш проблемаларига

80 МИНГ ТОННАЛИК ХИРМОН УЧУН

Пахта йиғим-теримининг боришини Фарғона область Киров район партия комитетининг биринчи секрета ри, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Салимжон МАРАСУЛОВ шарҳлайди.

— Районимиз кунлик ўсишда ҳам, мавсум бошидан буён тайёрланган пахта жиҳатдан ҳам областимизда биринчи ўринда бораяпти. Шу кунгача давлат тайёрлов ташкилотларига йиллик планнинг 62 процентидан ошириб «оқ олтин» топширилди. Пахтанинг ҳаммаси юқори сортга қабул қилинди. Бу партия ташкилотларимиз меҳнаткашлар орасида олиб бораётган оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ва идеология ишларининг дастлабки самарасидир. Қисқа вақтда эришилган муваффақият 80 минг тонналик ҳосил маррасини эгаллаш учун барча имкониятлар мавжудлигидан далолат беради. Фақат теримни ҳозиргига нисбатан бир ярим-икки баравар кучайтирмоғимиз керак. Партия ташкилотларимиз халқимизни шунга сафарбар этяпти. Кировлик азамат пахтакорлар 40 центнерлик ҳосил маррасини сўзсиз эгаллайдилар. Бундай дейишимга асос бор. Пахтазорларда ҳосил мўл-кўл, одамларимизнинг ғайрат-шижоати булоқдек қайнаб тошяпти. Терим кўп йиллик илғор тажрибаларга таянилган ҳолда илмий асосда олиб бориляпти.

Бир мисол келтираман. Пахта далаларида 26,5 минг колхозчи, совхоз ишчиси, ёрдамчи меҳнат қиляпти. Шундан қариб 5 минг киши кўпмингкилограммчилик ҳаракатига қўшилиб, сўзнинг устидан чиқиш, ваъдасига вафо қилиш учун бир ғайратга ўн ғайрат кўпиб ишлаяпти. Кўпнинг меҳнати кўл деганларидек, уларнинг пешана тери билан кунига йиллик планнинг икки-икки ярим проценти миқдорида пахта жўнатиляпти. Мавсумнинг янгиликларидан бири шуки, оилавий теримчи, оилавий экипажлар оммавий ҳаракатга айланиб кетди. Район партия комитети бу ҳаракатни қўллаб-қувватлаяпти.

— **Ҳосилдорликни ошириш хусусида сўзлаб берсангиз?**

— Биз бунга биринчи даражали масала деб қараяпмиз. Боиси, юқори ҳосил етиштириш, катта хирмон кўтариш иштиёқи одамларда масъулиятни кучайтираяпти. Пахтакорларимиз, айниқса юқори ҳосил усталари сўзларининг устидан чиқишга одатланганлар. Районимизда 306 та пахтачилик бригадаси бор. Шундан 124 таси гектаридан 50—75 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш мажбуриятини олган. Ҳаракат ҳам шунга лойиқ бўляпти. Фактларга мурожаат қилайлик.

«Москва» колхозининг Октябрь Революцияси ордени кавалери Т. Пўлатов бошлиқ бригадаси аъзолари 75 центнерчилик ташаббусини бошлади. Ҳозиргача гектаридан 40 центнердан ошириб пахта териб олишди. Ҳали ғўл урилмаган, машина киритилмаган пайкаллар кўп. Демак, 75 центнердан пахта олиши шубҳасиз. Районимизда пахтачиликни интенсив ривожлантиришда ана шу кўрсаткич йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади.

Киров номли совхознинг бригада бошлиғи, СССР Олий Совети депутати С. Холиқов, Ю. Бойбўтаев, «Бешариқ» совхоз-техникумидан Қ. Хушвақтова, С. Комилова, «Октябрь 40 йиллиги» совхозидан М. Тўхтаева, «Партия XX съезди» совхозидан Т. Фахритдинов, «Искра» колхозидан Т. Росабоевлар бошлиқ бригадаларда ҳам 55—65 центнерлик хирмон учун мусобақа тобора қизитилаётганини таъкидлаб ўтмоқчиман.

— **Район машина терими да ҳам донг таратиб келяпти, план ва мажбуриятлар ортиғи билан бажариляпти. Бу йилги режалар қандай?**

— Областимизнинг барча районлари сингари, биз ҳам машина теримига пухта ҳозирлик билан киришдик. Мавсум давомида далаларимизда 33 та терим-транспорт отрядига уюшган 281 та машина ишлайди. Ялпи ҳосилнинг 70 процентини бункерлардан тўкиш билан, сортнинг аъло бўлишини кўзда тутяпмиз. Бу Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган III пленуми қарорларига айнан мос келади.

Машиналарнинг пешма-пеш ишга туширилиши кунлик суръатни кўтаришда асосий омил бўляпти. Кунига икки процентдан пахта тайёрлаган бригадаларимиз, бўлимларимиз, колхоз ва совхозларимиз «зангори кема»лар шарофати билан кўзда тутилганидан ошириб пахта тайёрлашга эришмоқдалар. Лекин меҳнат унумдорлигини ҳали кутилган даражага кўтара олганимизча йўқ. Бунинг сабаблари бор.

Механизация даргаларидан М. Эшонқулов, А. Эргашев, Т. Алибердиев, А. Ўрунов ва бошқа ўнлаб механик-ҳайдовчилар бир кунда бир ярим-икки кунлик график миқдорида пахта териб, хирмонимизнинг бўйини қўкка чўзишга катта ҳисса қўшяптилар. Ёки ўшандай даргалардан М. Ҳамидов, А. Муҳаммаджонов, Қ. Холмуродов, К. Ҳамдамов, Қ. Умаров, О. Эргашевларни олайлик. Бу азаматлар на фақат миқдор, сифатнинг ҳам юқори бўлиши учун астойдил курашяптилар. Биз ҳамма механизаторларимиз илғорларга тенглашишларини истардик.

Афсуски, ҳозирча бунга эриша олмаяпмиз. Барг тўла тўкилди. Машиналар айланадиган майдончалар тахт қилиб қўйилганига анча бўлди. Пайкалларга сув тарашни ҳам тўхтатганмиз. Марзалар, ўқариқлар, шоҳариқлар текисланди. Демак, машиналарнинг тўла қувват билан ишлаши учун барча шароитлар яратилди. Механик-ҳайдовчиларимиз янги пар возга кўтариладилар. Кези келганда шуни ҳам айтишим керакки, машиналар билан пахта ташиш транспортларнинг иши бир-бирига тўла уйғунлаштирилган. Ҳар куни терилган пахта шу куннинг ўзида, сортнинг юқори бўлиши таъминланган ҳолда тайёрлов пунктига етказиб берилади. Механизаторлар билан транспорт ходимлари шу хусусдаги мусобақа шартномасини имзолаганлар. Биз улардан масъулият талаб қилишга ҳақлимиз.

— **Пахта побудгарчилигига қарши кураш қандай ташкил қилинди?**

— Бешариқни Фарғонанинг дарвозаси деб аташади. Ёғингарчиликлар асосан шу ердан бошланади. Меҳнатимиз билан етиштирилган «оқ олтин»имизни Қўқон шамоли, ёғин-сочинли кунлар бошлангунча териб олсак, нобудгарчиликка йўл қўймаган бўламиз. Хўжаликларимизда махсус постлар туздик. Йўлларда тўкилган чаноқларни теріб олиш учун ҳурматли қариялар, инвалидлар, мактаб ўқувчиларидан иборат группалар ташкил қилдик. Ёғғин чиқишига асло йўл қўймаслик чоралари кўрилган. Лўнда қилиб айтганда, ҳар туп ғўза, ҳар бир чаноқдаги пахта ҳисобда, унинг миқоли нобуд бўлишига мутлақо йўл қўймаймиз. Шуниси диққатга сазоворки, мавсумда 10-15 минг килограммдан пахта териш мажбуриятини олган С. Мардонова, М. Жалолова, М. Фозилова, О. Тирказева каби юзлаб кўпминг килограммчиларимиз тоза теріш, чаноқларда қолдирмаслик, ерга тўкмасликда ҳам намуна кўрсатяптилар. Партия ташкилотларимиз уларнинг иш услубини кенг пропаганда қилмоқдалар.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтай. Дала меҳнатчилари орасида ташкилий-идеология ишларининг намунали йўлга қўйилиши муваффақиятларимизнинг гарови бўлмоқда. Бу борада 700 дан ортиқ агитатор, 230 сиёсий ахборотчи, «Билим» жамиятининг 875 аъзоси қизғин иш олиб бораётир. Уларнинг таъсирчан сўзлари меҳнат аҳлини янги зафарларга даъват этяпти. Социалистик мусобақа бутун чоралар билан кучайтириляпти.

Районимиз пахтакорлари октябрь ойининг биринчи ярмида ғалаба рапортига имзо чекадилар. Сўзимиз сўз, теримда суръатни ошириб, бунга, албатта, эришамиз.

Н. ИНОҚОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

ҚАРАКАТДА БАРАКАТ

1500 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, 6000 тонна «оқ олтин» тайёрлаш учун курашаётган Андижон районидаги «Ленинград» колхози аъзолари йиғим-теримни жадаллик билан давом эттирмоқдалар. Меҳнат билан етиштирган пахтамизнинг бир мисқолини нобуд қилмаймиз, ҳаммасини қора совуқ тушгунча йиғиб-териб, юқори сортлар билан давлатга етказиб берамиз, демоқдалар миришкор деҳқонлар. Колхозда ишга яроқли кишиларнинг ҳаммаси теримга отланган. Колхозчилар ва ёрдамчилар кўмаги билан кунига йиллик планнинг 3 процентидан ошириб пахта терилянти.

Гектаридан 55 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳасанча Аҳмедов бошлиқ бригада аъзолари мусобақада олдинда бормоқдалар. Бригада бўйича кунига тайёрлов пунктига 4—5 процент юқори сорт пахта жўнатиляпти. Шунингдек, С. Мансуров, М. Тошболтаев, Қ. Бўроновлар бошлиқ бригадалар пахтакорлари ҳам кунлик ўсишда энг юқори кўрсаткичларга эришяптилар.

— Пахтамиз бу йил бир оз кечикди бўлди, — дейди колхоз раиси Шарофиддин Каримов, — лекин ҳосилнинг таги мўл. Кўсаклар ёппасига очиляпти. Қўл терими ва машина теримини кучайтиряпмиз: 900 гектар майдондаги ураллик пахтани айниқса тезроқ териб олишга алоҳида эътибор беряпмиз. Об-ҳаво қандай келишидан қатъи назар давлат пахта тайёрлаш планини ҳам, 6 минг тонналик мажбуриятимизни ҳам бажарамиз. Колхозчиларимизнинг ҳам, механизаторларимизнинг ҳам мақсадлари шу. Яхши ниятни амалий ишлар билан мустаҳкамлаяпмиз.

Андижон районининг бошқа хўжаликларида ҳам пахта терими далақдаги сайин авж олдириляпти.

Н. ИНОҚОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

БИОГАЗ ҚУРИЛМАСИ

СОФИЯ. Враца шаҳрида биогаз-сунъий йўл билан олинадиган ёқилғи аралашмаси ишлаб чиқарадиган биринчи болгар қурилмаси ишга туширилди. Бу ерда яқинда жойлашган чорвачилик комплексининг оқинди сувларидан, пахол, озиқ-овқат саноати чиқитларидан ёқилғи газ олинмоқда.

Врацадаги қурилма ҳар суткада минг куб метр биогаз ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, ундан чорвачилик фермаларини иситиш учун фойдаланилади.

«КЕЛАЖАК ҚУРИЛИШИ»

ХАНОЙ. Жанубдаги Тэйнинь вилоятида барпо этилаётган Заутненг гидротехника комплексини Вьетнамда «Келажак қурилиши», «Ишлар қурилиши» деб айтаётганлари тасодифий эмас. Биринчидан, республикадаги энг катта комплекс қурилиши ишлари механизациялаш даражаси жиҳатидан энг илғори ҳисобланади. Иккинчидан эса қурилишдаги ишчилар ва инженерларнинг ўртача ёши 30 да. Бу ерда комсомол йўлланмалари билан мамлакатнинг турли томонларидан Тэйнинга келган икки ярим мингдан зиёд йигит ва қиз меҳнат қилмоқда.

Бу — ҳозир республикадаги ғоят муҳим халқ хўжалик объектларидан биридир. Узунлиги бир километрдан ошадиган ва баландлиги бир неча ўн метрга борадиган бош тўғон дарёни тўсади. Ана шу тўғоннинг шакллари ҳозирдаёқ кўзга ташланиб қолди. Натижада ҳажми бир ярим миллиард куб метрга борадиган ВСРда энг катта сув омбори вужудга келтирилади.

(ТАСС).

ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Совет Иттифоқининг БМТ Бош Ассамблеяси ядро ҳалокатининг олдини олишга қаратилган декларацияни қабул қилсин, деган таклифи жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди.

УЛАН-БАТОР

Халқ Монголияси, деб ёзади «Унэн» газетаси, Совет Иттифоқининг ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлайди. Совет Иттифоқи ядро қуролидан биринчи бўлиб фойдаланган давлатлар ва давлат арбоблари инсониятга қарши энг оғир жиноят қилган бўлади, деб тантанали равишда эълон қилган декларация қабул қилишни таклиф этди. Давлатларга ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатиш ҳуқуқини берадиган ҳеч қандай асос ёки бирон-бир сабаб йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатиш бутун инсониятга қарши қилинган жиноят бўлур эди, деб таъкидлайди «Унэн» газетаси.

ЛОНДОН

Англиянинг таниқли сиёсий ва жамоат арбоби лорд Брокэй қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: ҳозирги кунда уруш хавфи ҳар қачонгидан кўра кенг тус олди. Биз ялпи қирғин қуролининг энг мудҳиш турлари пайдо бўлаётганлигини кўриб турибмиз. Бинобарин барча халқлар жаҳоннинг ядро уруши ҳалокатига дучор бўлишига йўл қўймаслик учун жуда актив ҳаракат қилишлари зарур. Кўп кишилар, шу жумладан Буюк Британия аҳолиси ҳам буни англай бошлади. «Қанотли ракеталарга ўрин йўқ», «Нейтрон қуролига йўл қўймаймиз» деб баралла айтаётган инглизлар сони ортиб боряпти.

ПАРИЖ

«Юманите диманш» газетаси Совет Иттифоқининг ядро ҳалокати олдини олиш тўғрисидаги масалани муҳим ва шошилинч масала сифатида БМТ Бош Ассамблеясининг XXXVI сессияси кун тартибига киритиш борасидаги таклифи тўғрисида хабар бериб, қуйидагиларни уқтириб ўтади: ядро қуролини ишлатиш тўғрисида биринчи бўлиб қарор қабул қиладиган мамлакатлар ва давлат арбоблари энг оғир жиноят қилган бўладилар. Совет Иттифоқи халқаро сиёсат соҳасида кўраётган асосий тадбир, деб ёзади газета, вайронгарчилик келтирувчи хатарли қуролланиш пойгасига чек қўйишдан иборат.

(ТАСС).

АДР ПОЗИЦИЯСИ

Афғонистоннинг БМТдаги доимий ваколатхонаси БМТ Бош секретарига нота юборди. Бу нотада Покистон маъмурларининг шу мамлакатга нисбатан туҳматдан иборат уйдирмалари қораланади ва АДР ўз ташқи сиёсий йўлининг конструктив принципларига тамомила содиқ эканлиги яна таъкидлаб ўтилади.

Афғонистон Демократик Республикаси, дейилади нотада, суверенитет, территориал бутунликни ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик ва яхши қўшничилик принциплари асосида барча мамлакатлар билан, аввало ўз қўшиларини билан дўстона муносабатлар ўрнатиш ва бу муносабатларни ривожлантириш сиёсатини оғишмай амалга ошириб келмоқда. АДР ҳукумати қўшни давлатлар Афғонистон ҳукуматининг музокаралар олиб бориш тўғрисида бир неча бор қилган даъватларига ижобий жавоб беришни мумкин деб ҳисоблайди, деган умидда эди. Аммо иш юришга бошлаган бир пайтда Покистон маъмурлари Афғонистоннинг қуролли кучлари «чегарани бузмоқда» деган туҳматдан иборат айб қўйдилар.

Афғонистоннинг яқинда қилган таклифларини амалга ошириш, деб таъкидлаб ўтилади ҳужжатда, бу районда ва бутун жаҳонда тинчлик ва барқарорлик ишига хизмат қилажаги аёндир. Покистон маъмурларининг Покистон халқини ва халқаро жамоатчиликни чалғитишни кўзда тутиб турли найранглар билан бу жараёнга халақит беришга уринишларини қораласа арзийди, дейилади нотанинг охирида.

Афғонистоннинг БМТдаги доимий ваколатхонасининг нотаси БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди. (ТАСС).

ПОЛЬШАДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

ВАРШАВА, 29 сентябрь. (ТАСС). Польшадаги ПАП агентлигининг хабар қилишича, ПБИП воевода комитетларининг секретарларининг кенгаши ҳозирги сиёсий вазиятда партия ташкилотларининг вазифаларини муҳокама қилди. Кенгашда партиянинг бирлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳотни ва ПХР сейми қабул этган қонунларни амалга ошириш мақсадида партия органларининг ҳаракатларини активлаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

* * *

«Бирдамлик» касаба союз бирлашмасининг Гданьскда ўтказилаётган съездида Польшадаги социализмга қарши фаолиятнинг асосий ташкилотчилари ва ғаламисларидан бири бўлган КОС-КОР контрреволюцион туруҳи «ўзини-ўзи тарқатиб юборганлиги» эълон қилинди. Бунинг сабаби — «Бирдамлик» КОС-КОРнинг вазифаларини ва кадрларини қабул қилиб олганлиги ва иккита бир хил ташкилотнинг яшашига эҳтиёж қолмаганлиги айтилди.

Шу контрреволюцион ташкилотнинг асосчиларидан бири Э. Липиньский Гданьскдаги съездда КОС-КОР ўзининг беш йиллик фаолияти мобайнида ўз олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажариб келди ва «Бирдамлик»ни ўзининг муносиб ворриси деб билади, деб айтди. КОС-КОР аъзолари автоматик равишда «Бирдамлик» сафига қўшиладилар ва шу тариқа унинг актив ҳимояси остига ўтадилар.

«Съезд» матбуот бўлимининг вакили Онишкевичнинг журналистларга маълум қилишича, КОС-КОР «Бирдамлик»ни тузиш ташаббускори бўлган ҳол. КОС-КОР аъзоси, «Бирдамлик»нинг Варшава ташкилоти президиуми составига кирувчи Липский «бизнинг ташкилотимиз шуғулланиб келган ишни касаба союз бирлашмаси яхшироқ бажаради» деган гапни айтди.

Америкадаги Эй-Би-Си телекомпанияси шу муносабат билан таъкидлашича, КОС-КОР группаси энди керак бўлмеса ҳам, аммо унинг раҳбарлари аввалгидек «Бирдамлик» раҳбарларининг бош маслаҳатчилари бўлиб қолаверадилар. КОС-КОР раҳбарлари касаба союз бирлашмасида ўзлари учун мустаҳкам позицияларни таъминлаб қўйганлар, деб ёзади Францияда чиқадиган «Парижъен либере» газетаси.

ВАРШАВА, 29 сентябрь. (ТАСС). «Трибуна люду» газетасида эълон қилинган шарҳда бундай дейилади:

«Бирдамлик» съездининг биринчи даврасида ўта ўнг сиёсий қанот устунлик қилди. Унинг вакиллари тез-тез КОС-КОР раҳбарлари тилидан гапирдилар, унинг ташвиқотчилик мақсадларига мос келадиган қарорларнинг лойиҳаларини тиқиштирдилар, КОС-КОРчилар радикалларга бошчилик қилдилар. Чамаси КОС-КОР «Бирдамлик»ка шу қадар бирикиб кетдики, у билан қўшилишга қарор берди.

Хулласи КОС-КОР энди ўзига мустақиллик керак эмас, деб қарор қилди: «Бирдамлик» ташкилий иттифоқ даражасига кўтарилди. Бу касаба союз бирлашмасининг экстремистлари жойлардаги ўз филиалларисиз иш кўра берадилар.

ПРАГА, 29 сентябрь. (ТАСС). КОС-КОРнинг тарқатилиши найрангдан бошқа нарса эмас, чунки бу ташкилотнинг аъзолари «Бирдамлик»да мустаҳкам ўрнашиб олдилар, ва шу тариқа мазкур касаба союз бирлашмасига раҳбарлик қилишларини, уни халқ хокимияти билан муҳолифлик сари бошлаб боришларини билдирдилар, деб ёзади «Руде право» газетаси ўз шарҳида.

Ҳозирча «Бирдамлик» съездида сиёсий муҳолифлик кучлари шаклланмоқда, деб ёзади газета. Съезд мамлакатдаги оғир танг вазиятни бартараф этиш учун бирон иш қилади, деб Польша бехуда умидвор бўлмоқда.

ИРОҚ — ЭРОН:

ҚАТТИҚ ЖАНГЛАР

БАЙРУТ, 29 сентябрь. (ТАСС). Ўтган кунлар мобайнида Ободон районида Ироқ билан Эрон қўшинлари ўртасида қаттиқ жанглар давом этди.

Теҳрон радиосининг хабар қилишича, икки кунлик жанглар чоғида бу районда Ироқнинг мингтадан кўп ҳарбий хизматчиси ўлдирилган ва 3 мингтаси асир олинган. Эрон қўшинлари Карун дарёсининг шарқий соҳилида эни 60 километрга борадиган участкадан душманни суриб чиқарганлар. Теҳрон радиосининг хабарига кўра, Эрон томонидан 70 киши ҳалок бўлган.

Ироқнинг эътиборли ҳарбий вакили Ина агентлигига қилган баёнотида Ироқ қўшинлари Карун дарёсининг шарқий соҳилига кўчирилганини эътироф этган. Бу ғап ироқликлар бир йил мобайнида қариб тамоман қуршаб олган Ободон қамали ғарб томонидан очилганлигини билдиради.

Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг ахборотида айтиладики, Ироқ қўшинлари ҳамма хил қурол-яроғлардан фойдаланиб, Ободон районида душманга зарба устига зарба бермоқда, душман аскар ва техникасидан катта-катта талафотлар кўрмоқда. Аммо, шу районда душманнинг талафотларини ҳанузгача аниқлаб бўлмаяпти, дейилади ахборотда. Ироқ авиацияси бу ерда Эроннинг икки самолётини уриб туширганлиги хабар қилинади, холос.

Ироқликлар фронтнинг бошқа участкаларида Эроннинг 118 солдатини, олтита танкини, битта бронетранспортёри, бешта юк машинаси, тўртта тўпи ва бошқа техникасини йўқ қилишга муваффақ бўлганлар. Ироқ самолётлари фронтнинг жанубий участкасида Эрон қўшинлари жойлашган ерни яна бомбардимон қилган.

Ахборотга кўра, Ироқ 23 киши ва 18 юк машинасини йўқотган.

«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЁФАСИ

СТУДЕНТЛАР ШУРИ

Яқинда Япония молия министрлиги студентларни ранжитадиган навбатдаги «тадбирни» эълон қилди. Министрликнинг қарорига мувофиқ янги ўқув йилидан бошлаб (у Японияда 1 апрелдан бошланади) давлат олий ўқув юртларида таълим олиш ҳақи яна оширилади. Дастлабки маълумотларга кўра, ўқиш ҳақи яна 20 иена ҳажмида кўтарилган. Ўқиш учун тўланадиган ҳақнинг яна оширилиши миллион-миллион оилаларнинг бюджетига қарата берилган янги зарба бўлди. Тўғрироғи, у япон студентларининг шўрмдир.

НОЧОР АҲВОЛДА

Австрия экономикаси кейинги йилларда инқироз исканжасида тўлганмоқда. Марказий статистика идорасининг маълумотига кўра, мамлакатда ўтган 7 ой ичида аввалги йилнинг шу ойларига таққослаб кўрганда, ишлаб чиқаришнинг асосий восталари ишлаб чиқариш 3 процент камайди. Узоқ муддат давомида ишлатиладиган буюмлар ишлаб чиқариш 10 процент, темир қазиб чиқариш эса 6 процент камайди. Буларнинг ҳаммаси оддий австриялик меҳнаткашларнинг кун кечиришини яна мушкуллаштириб юборди.

ИККИ ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАН УЧУН

БУВАЙДА. (**«Совет Ўзбекистони» мухбиридан**). «Партия XX съезди» совхозининг М. Усмонов бошлиқ бригадаси аъзолари районда биринчилар қаторида маррага етдилар. Бригадада мавжуд 90 гектар майдоннинг 50 гектаридан биринчи теримнинг ўзидаёқ 35 центнердан чўл дурдонаси йиғиштириб олинди. Қабул пунктларига 300 тонна сифатли хом ашё топширилди. Пайкалларда ҳали ҳосил мўл. 40 гектар майдондаги пахта ҳали терилмаган.

Йиллик планни 14 иш кунида бажарган заршунослар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ҳосилдорликни 75 центнерга етказишга қарор қилдилар. Бригаданинг бу «оқ олтин» хирмони икки ярим йиллик планга тенг бўлади.

«Навбаҳор» маррага етди

Қўрғон Тепамаржон районидаги «Навбаҳор» совхози пахтакорлари чўлда иккинчи йили деҳқончилик қилмоқдалар. Азамат пахтакорлар теримга дастлабкилар қаторида кириб шидди. Механизаторлар пешана тери эвазига етиштирилган барча ҳосилни агрегатлар ёрдамида териб олишга аҳд қилдилар. Пахта терими кўп йиллик синовдан ўтган Ипатово усулида ташкил этилди. Иккита терим-транспорт отрядига уюшган 14 та терим агрегати кучидан самарали фойдаланилиб, ҳар куни 10 процентдан пахта тайёрлашга эришилди. Натижада йиллик план 10 иш кунида бажарилди. Ҳар гектар майдондан 17 центнердан қўрғон «оқ олтин»и йиғиб-теріб олинди.

Совхоз чўлқуварлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ҳосилдорликни гектар бошига 30 центнерга етказиш, давлатга камида 3 минг тонна қўрғон «оқ олтин»и топшириш учун пахта йиғим-теримини тобора авж олдирмоқдалар.

Суратда: совхознинг илғор механизатори Наби Эргашев. У мавсумда 350 тонна пахта териш учун курашяпти.

Н. Содиқов фотоси.

доир тадқиқотлар янада ривожлантирилади.

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқаришга иқтисодий таъсир ўтказиш воситаларини фан-техника тараққиётини тезлатиш ва халқ хўжалигини янги техника билан қайта қуроллантириш мақсадида самарали қўлланиш катта аҳамият касб этмоқда. «1981-1985 йилларда ва 1990 йилгача бўлган даврда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»да КПСС Марказий Комитети фан ва техникани ривожлантиришга алоҳида аҳамият берган. Фан ва техника тараққиёти совет жамиятининг янада юксалиши, экономикани интенсивлаш йўлига ўтказишни тезлатиш проблемаларини ҳал этишга хизмат қилмоғи керак. Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, муҳим илмий-техника проблемалари бўйича аниқ мақсадга қаратилган комплекс программаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; янги техникани барпо этиш ва ўзлаштириш муддатларини жиддий равишда қисқартиришни таъминлаш, фан билан ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқасини кучайтириш, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг моддий-техника ва тажриба-ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш, тадқиқотларнинг йўналишини, илмий муассасаларнинг структурасини илмий-техника революцияси талабларига мувофиқ равишда оператив тарзда ўзгартириш, фан кадрлари тайёрлашни, малакасини ошириш ва аттестациядан ўтказишни такомиллаштириш, ихтирочилар ва рационализаторларнинг оммавий илмий-техника ижодкорлигини ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдамлашиш кўзда тутилмоқда.

Фан-техника тараққиёти учун кураш партия ташкилотлари ташкилотчилик ва сиёсий ишлар форма ва методларини мунтазам такомиллаштирмоқдалар. Масалан, тўққизинчи ва ўнинчи беш йилликларда партия ва хўжалик ташкилотлари фаолиятига раҳбарликни яхшилашга қаратилган бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, саноат корхоналари бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини оширишга жиддий эътибор берилди.

Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини оширишнинг, ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ишга туширишда уларнинг рационал фойдаланишнинг битмас-туганмас имкониятларидан моҳирлик билан фойдаланадиган бўлиб қолдилар. Улар мавжуд резервларни тўлароқ ишга солиш, социалистик хўжалик юритиш ва планлаштириш методларини такомиллаштириш юзасидан кўп иш қилдилар.

Социализм шароитида илмий-техника революцияси социал оқибатлари жуда кенг ва кўп қиррали бўлиб, совет кишиларининг ҳаётига, турмушига жиддий ўзгартишлар киритмоқда, социалистик тузум афзалликларини янада ёрқинроқ намоён этмоқда. Социализм шароитида фан ва техника тараққиёти социалистик демократияни янада кенгайтиришга актив ёрдамлашмоқда, жамиятни бошқаришда, биринчи навбатда ишлаб чиқаришни, умуман экономикани бошқаришда меҳнаткашларнинг иштироки имкониятларини кенгайтирмоқда.

Илмий-техника революцияси ютуқларини хўжаликни бошқаришнинг социалистик системаси афзалликлари билан қўшиб олиб бориш юзасидан партия қўйган вазифанинг изчиллик билан ҳал этилиши совет халқига фан ва техниканинг кўпгина ҳал қилувчи йўналишларида жаҳонда олдинги ўринларга ўтиб олишга имкон берди. Масалан, Ўзбекистон ўз маҳсулотларини 70 та чет давлатга чиқармоқда.

Совет Ўзбекистонининг ютуқлари ғоявий душманларимизнинг асабини қўзғатмоқда. Бу хусусда буржуазия идеологлари турли уйдирмаларни тарқатмоқдалар. Масалан, улар экономиканинг саноат секторига, саноатда социал жараёнларга партиявий раҳбарликнинг самараларини рад этадилар. Буржуазия маддоҳлари ривожланган социализм, шароитида саноат тараққиётига илмий раҳбарлик қилиш ва уни бошқаришда субъектив факторларнинг роли тўғрисидаги диалектик-материалистик таълимотни бузиб кўрсатадилар.

Антикоммунизм идеологларига кескин зарба берилиши ва социализмнинг рад этиб бўлмайдиган муваффақиятлари буржуазия «совет-шунослари»ни ўз сохта таҳлари таҳжасини ўзгартиришга мажбур қилмоқда. Партия йўли билан совет синфлари манфаати ўртасидаги бартараф этиб бўлмайдиган сиёсий зиддиятлар тўғрисидаги сохта назарияларнинг путури кетганига қарамай, Ўрта Осиё республикаларида ишчилар синфи аҳволини бузиб кўрсатишга уринишини давом эттирмоқдалар. Империализм маддоҳлари Ўрта Осиёнинг туб аҳолиси гўё «руслаштириш» сиёсатининг қурбони бўлмоқда, деб жар солмоқдалар. Масалан, Ғарбий германиялик социолог В. Левицкий «Ҳозирга қадар маҳаллий аҳолидан малакали ишчилар, мутахассислар тайёрлаш бўйича чоралар кўрилмаган», — деб ёзади. Шуниси характерлики, империализм маддоҳлари ўз уйдирмаларини асослаш учун бironта ҳам мисол келтира олмайдилар. Ҳозирги вақтда бу «тадқиқотчилар» асосий диққат-эътиборларини Ўрта Осиё совет социалистик республикаларида тобора кучайиб бораётган прогрессив тенденцияларни — ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашни, саноат бирлашмалари ва комплекслари тузишни сохталаштириб кўрсатишга қаратмоқдалар.

Бизнинг мамлакатимизда ҳозирги замон фан-техника тараққиётинк характерловчи буржуазия концепциялари фанга бутунлай зиддир. Улар меҳнаткашлар оммасини марксча-ленинча таълимотдан, синфий курашдан четга чалғитиш мақсадида тарқатилмоқда. Шу муносабат билан СССРда ва жумладан Ўзбекистонда ҳозирги замон фан-техника тараққиёти моҳиятини бузиб кўрсатувчи ҳар қандай буржуазия идеологлари уйдирмаларига қарши муросасиз кураш олиб бориш ғоят катта аҳамиятга моликдир. Ўзбекистон Компартияси фаолияти мисолида фан-техника тараққиётига партиявий раҳбарликнинг роли ўсиб боришини тадқиқ этиш буржуазия идеологларининг уйдирмаларига қарши курашда муносиб улуш бўлиб қўшилади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев кўп марта таъкидлаб ўтганидек, фан ва техникадаги революция хўжалик фаолияти усулларини ва методларини тубдан ўзгартиришни, планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришни такомиллаштиришни талаб қилади. Бу соҳада сўнгги йилларда кўп иш қилинди. Фан ва техника тараққиётига партиямиз коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишнинг асосий негизи, жамиятнинг ҳамма аъзолари ҳал қилиши зарур бўлган муҳим сиёсий ва иқтисодий вазифа деб қарайди. КПСС Марказий Комитети Пленумлари, партия ва ҳукуматнинг ана шу соҳадаги ҳужжатлари, жумладан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг хўжалик механизмини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори бунинг яққол далилидир. Фан ва техниканинг ютуқлари партия белгилаб берган улуғвор режаларнинг муваффақиятли амалга оширилишининг ишончли асосидир.

А. УРОЛОВ,
тарих фанлари доктори.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕМИНОРАСИ ҚУРИЛИШИДА



Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидан юқорирокда бунёд этилаётган Тошкент телеминораси тобора кўкка бўй чўзяпти. Объект қурилиши бошлангандан бери бу ерда кўпгина монтаж ишлари бажарилди. Иншоотнинг 220 метрлик асосий қисми қуриб бўлиниб, антенна стволи ўрнатила бошланди.

Ҳозирги пайтда антенна стволини ўрнатишдек масъулиятли вазифа муваффақиятли амалга ошириляпти. Ленинграддаги 26-махсус қурилиш-монтаж бошқармасининг Васийий Севастьянов бригадаси моҳир монтажчилари ёр ишда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишяпти.

Мана, бригадир В. Севастьяновнинг командаси эшитилди. Бир ҳайбат кран ҳаракатга келди. Кран илмоғига илинган узунлиги 6 метр ва оғирлиги 20 тонна келадиган антенна стволи юқорига кўтарила бошлади. Ҳамма ўз жойини эгаллаган. Моҳир монтажчи, бригада бошлиғининг ўринбосари Шомил Янгаличев монтажчиларга раҳбарлик қиляпти. Юқорида монтажчилар антенна стволини монтаж қилишга шай бўлиб туришибди. Антенна секин-аста юқорига кўтарила бошлади. Орадан озроқ муддат ўтгач, у 220 метрли беш қаватли техник бино тепасига ўрнатилди. Монтажчилар ўз ишларини тугатгач, Фёдор Лоленко бошчилигидаги электр пайвандчилар тезда ишга тушиб кетишди. Тез орада антенна стволи мустаҳкамлаб қўйилди.

Ҳар бири 6 метрли стволдан иборат 130 метрли антенна шу йўсинда бир-бирига монтажлаб борилади. 25 тонна юк кўтара оладиган кран ҳамда ўзидан-ўзи кўтарилувчи кран самарали ишлаб турибди.

Фидокорона меҳнат натижасида ҳозиргача 4,5 миллион сўмликдан ортиқ иш бажарилди. Телеминораниг умумий баландлиги эса 250 метрдан ошди.

СССРнинг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақага актив қўшилган бошқарма қурувчилари антенна стволларини шу йилнинг охирига монтажлаб бўлиб, телеминорани 350 метрга етказишга аҳд қилишган.

Айни пайтда телеминорадаги асосий объектлар қурилиши билан бирга унинг атрофида бошқа ишлар ҳам бажариляпти. Ободонлаштириш ишлари қизитилмоқда.

Тошкентимизнинг энг сўлим масканларидан бирида бунёд этилаётган телевизион минора ҳозирдаёқ узоқ-узоқлардан кўзга яққол ташланяпти. Иншоот ойдалашга топширилгач, бу маскан янада кўркамлашиб, ўзига хос жозиба касб этади.

Ш. МИРҲАБИБОВ.

Суратда: Тошкент телеминорасининг бугунги кўриниши.
В. Сироткин фотоси.

ДАВР ТАРОНАЛАРИ

БУГУН — ХАЛҚАРО МУЗИКА КУНИ

Ўзбек композиторларининг янги асарлари доҳиймиз Владимир Ильич Ленининг ҳамиша барҳаёт ғояларини тараннум этади, Коммунистик партиямиз ва халқимизнинг илҳомбахш, ҳозиржавоб фаолиятини улуғлайди, замондошларимизнинг жасоратга тўлиқ меҳнатини шарафлайди. Композиторларимиз анъанавий байрамлари — Халқаро музика кунига шундай зафарлар билан келишди. Хўш, бу ижодий ютуқлар қандай конкрет мисолларда кўринади. Бу саволга Ўзбекистон Композиторлар союзи правленнесининг раиси Энмарк СОЛИҲОВ қуйидагича жавоб беради:

— Қўлга киритган ютуқларимизнинг аксарияти жонажон партиямизнинг шонли XXVI ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезддларига бағишланган асарлардир. Бу қўшиқ, хор, ораторий, акапелла ва рапсодияларимизни томошабинлар яхши билишади. Шуни алоҳида мамнуният билан таъкидлаш керакки, партиямизнинг буюк енжумани арафасида яратилган асарлар орасида музика Лениниомасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган асарлар анчагина. Устозлари билан ҳамнафасликда, ҳамкорликда иш олиб борган, ижод қилган ёшларимиз ҳам бу соҳада ютуқларга эришдилар. Мен бу ўринда композитор Н. Норхўжаевнинг шоир Жуманиёз Жабборов шеъри асосида акапелла учун ёзган «Ленин байроғи» хорини, М. Бафоевнинг овоз ва халқ чолғу асбоблари оркестри учун ёзган қўшиғини, С. Абсаломовнинг Владимир Маяковскийнинг машҳур «В. И. Ленин», «Жуда соз» поэмалари асосида яратган ораторияси ни қайд қилиб ўтаман. Мазкур асарлар ўзига хос музикавий талқини билан ажралиб туради. Ёшларимиз иш жараёнларида машҳур композиторларимизнинг тажрибасидан унумли фойдаланганлар. Кейинги йилларда худди шу мавзуда яратилган асарларни пишиқпухта ўрганиб чиқишган. Оқибатда оригиналлигинг яхши намунаси сифатида эътироф этилган хор, қўшиқ ва ораторий яратганлар.

Ўзбек композиторларининг ижодида меҳнат мавзуи алоҳида ўрин тутади. Ҳозирга қадар яратган энг яхши музикаларимизнинг кўпи замондошларимизнинг илғор, мардонавор меҳнатини тараннум этади. Масалан, Дони Зокировнинг шоир Туроб Тўла шеърига ёзган янги қўшиғи, Сулаймон Юдаковнинг хор, солист ва оркестр учун ёзган «Пахта» вокал-хореографик поэмаси, Борис Зейдманнинг КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезддларига аталган хори, симфоник оркестр учун ёзган қасидаси (Ж. Камол шеърига), Пўлат Холиқовнинг фортепьяно ва оркестр учун концерт-рапсодияси, Эдуард Қаландаровнинг «Съезддан-съезддгача» рубрикаси билан кинолентага ёзилган музикаси ва бошқа асарлар шундай ижод намуналаридандир. Бу музика асарлари халқ хўжалигида ташаббускорлик билан меҳнат қилаётган ажойиб замондошларимизнинг изланишларига, съезддан съезддгача бўлган даврда эришган бетакрор ютуқларига, пахтачиликда рекорд натижаларга эришиб, барчани қойил қолдираётган пахтакорларимизнинг фидойилигига ўзига хос гимн бўлиб таралади.

И. Акбаров, Г. Қодиров, У. Мусаев, Д. Сайдаминова, С. Бобоев, М. Мирзаев, А. Варелас, С. Каримҳожи, Ғ. Тошматов, М. Тожиев, М. Маҳмудов, И. Ҳамроев каби таниқли композиторларимиз ҳам ажойиб асарлари билан халқимизни хурсанд этишмоқда. Бу ижодкорларнинг партиямиз съездига бағишлаб яратган асарлари санъат мухлислари томонидан илиқ кутиб олинди. Масалан, Улуғбек Мусаевнинг «Ҳинд достони» балети Москвада саҳналаштирилди.

Ўзбек композиторлари замонга ҳамнафас бўлиб, даврнинг улуғвор темаларига актив мурожаат қилиб боришни ҳамиша кун тартибидаги асосий вазифалардан деб биладилар.

ЯНГИЛИК ҚАЛДИРҒОЧИ

ОЧЕРКЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Бадиий очерк — янгилик элчиси, ҳаётнинг қайноқ нафасини акс эттирувчи жанр. Ҳаётдаги янги йўналиш, фан-техникадаги кашфиёт, кишилар характеридан ўрин олаётган белгилар, одатда, илк бор очерк жанрида акс этади. Бу — ёзувчи билан ҳаёт қаҳрамони орасидаги дўстлик, қадрдонлик йўлини бошлаб берувчи жанрдир. Назир Сафаров билан Турсуной Охунованинг қадрдонлигига, Йўлдош Шамшаров билан Меликўзи оиласи орасидаги дўстлиққа, Одил Ёқубов билан Маннон Жалолов, Мирзажон Иминов орасидаги биродарликка ҳавас қилса арзийди. Назир Сафаровнинг Турсуной ҳақидаги дастлабки очерки босилганига қарийб чорак аср бўлянти: ёзувчи ҳамон ўз қаҳрамони тақдири, унинг ишлари билан қизиқади. Одил Ёқубов «Қаҳрамонларим» номли мақоласида Маннон Жалолов, Бўз район партия комитетининг биринчи секретари Мирзажон Иминов фаолиятидаги янги қирраларни очади. Чунончи, Одил Ёқубов райком секретари фаолиятидаги янги белгини кўрсатади. Маълумки, кейинги пайтларда райком секретари фақат терим чоғида эмас, табиий офатларга қарши курашда, пахтага кенг ишлов беришда, янги шаҳарчалар қурчишда штаб қўмондони сифатида иш кўрмоқда. Ҳаётда бошқаришнинг янги шакллари вужудга келмоқда.

Партия XXVI съездида экономикага раҳбарлик қилиш методларини такомиллаштиришга алоҳида урғу берилди. Бу масала ўзбек адиблари яратган қатор очеркларда райком секретарлари ва район ижроия комитети раислари фаолияти мисолида очиб берилган. Ҳамид Ғулом ва Владимир Тюриковнинг «Қорақалпоғистон ҳақида достонлар», Нурали Қобулнинг «Секретарь», Тоҳир Маликнинг «Кўп билан кенгашиб», Норқул Ҳайитқуловнинг «Дала дафтари» очеркларида ана шунга алоҳида эътибор берилган. Ҳ. Ғулом, Вл. Тюриков очеркларида Тўрткўл, Эллиққалъа, Нукус районлари ҳаётидаги ўзгаришлар, янгиликлар йирик масштабда тасвирланади. Қ. Нуримбетов, О. Примов, А. Казбеков сингари райком секретарлари очеркда жонкуяр раҳбар, улкан оқимни бошқариб бораётган ишбошилардай ҳаракат қиладилар.

Нурали Қобулнинг «Секретарь» очеркида яна Қосим Нурумбетовни учратамиз. Ҳ. Ғулом, Вл. Тюриков очеркида Нуримбетовнинг маданий-маиший соҳадаги фаолияти тасвирланса, Н. Қобул асарида шу раҳбарнинг ишчанлик қобилияти, ёшларни тарбиялашдаги уқуви кўрсатилади. Норқул Ҳайитқуловнинг «Дала дафтари» очеркида ҳам райком секретари Ҳ. Жабборов образи яратилади. Аммо унда биз юқорида тилга олган очерклардаги каби район ҳаёти панорама қилиб кўрсатилмайди. Балки муаллиф секретарнинг фаолиятини, кишилар қалбига йўл топиши ва хўжаликлардаги ишларнинг тўғри йўлга солинишини изчил кўрсатади. Ҳ. Жабборов районга у-бу олиб келгани йўқ: аслида ўша ер, ўша одамлар, ўша сув, ўша раҳбарлар. Собиқ секретарь даврида ҳамма ишлар издан чиқиб кетган, одамларда масъулият ҳисси сусайган.

Ҳ. Жабборов ишбилармон, суяги меҳнатда қотган, ташаббускор кишиларни атрофига тортади. Ташаббускорларни қўллаб-қувватлайди. Ҳар бир иш меҳнаткашлар манфаатини кўзлаб қилинади. Булар очеркда атрофлича кўрсатилган.

«Чўл маликаси» (О. Шарафиддинов), «6 миллион йўлларида» (Н. Сафаров, Ш. Убайдуллаев), «Чорвачилик — зарбдор фронт» (Н. Раҳматов), «Сени кутамиз, Анвар» (Мирза Карим) сингари очеркларда турли соҳаларда меҳнат қилаётган, ўз бурчини виждонан бажараётган кишилар образи яратилади. Очеркистлар ўз қаҳрамонларидаги асосий хусусиятни берилиб тасвирлашга интиладилар. Нусрат Раҳматов очеркида Самарқанд районидаги колхозлараро бўрдоқичилик базасининг бошлиғи Геннадий Каннинг чорвачиликнинг истиқболи ҳақидаги мулоҳазалари диққатни жалб қилади.

Очеркист ўз қаҳрамонларидаги етакчи ижтимоий хусусиятни аниқ белгиламоғи, уни имкони қадар тўлиқ очишга интилмоғи лозим. Шундай очерклар яратилмоқдаки, уларнинг қаҳрамонлари ҳаётдагидан кўра қашшоқ, ожиз бўлиб кўзга ташланадилар. Бир туркум очеркларда эндигина раҳбарлик лавозимига кўтарилган кишилар қуруқ-қуруқ мақталадилар. Уларни ўқиб, «шундай очеркни ёзишга нима сабаб бўлди экан?» деган саволни беради ўқувчи.

Шундай ҳоллар ҳам учрайдики, ҳаётдаги қаҳрамон очеркда ўта кўримсиз бўлиб қолади, нимаси биландир китобхон ҳурматига сазовор бўлолмайди. Ж. Шароповнинг «Лошмон — инқилоб ўғли» очерки қизиқиш билан ўқилади. Очеркда 1916 йил қўзғолонига оид қизиқарли фактлар келтирилади, ажойиб тақдирли кишилар билан таништирилади. Чиниҳол аянинг матонати, жасорати ўқувчини ром этади. Афсуски, очеркда инқилоб ўғли — Лошмон отанинг характери кўринмайди. Лошмоннинг колхоз қурилишидаги, фронтдаги қаҳрамонлиги очилмайди. Баъзи очеркларда хато фикрлар ҳам ўтиб кетяпти. Истеъдодли ёш ёзувчи Нортўхта Қиличевнинг «Кўнгил мулки» очеркида умр бўйи савдо соҳасида ҳалол меҳнат қилган Бобожон ака Маҳмудов образи яратилади. Очерк қаҳрамонининг ибратли ишларини табриклаган ҳолда унинг касб танлаш ҳақидаги «фалсафасини» бутунлай инкор этамиз.

Очерк номи билан босилган ишларни ўқиганимиз сайин материаллар ўта силлиқ, саёзлашиб, қаҳрамонлар майдалашиб бораётганини сезамиз. Очеркнавис ички, табиий эҳтиёжсиз, ўткинчи сабаблар туфайли «очерк»ёзишга киришса, на ўқувчи ҳурматини, на асарига қаҳрамон бўлаётган одамнинг ҳурматини қозонади.

Ўзбек очеркчилигида муаммоли масалаларнинг кам кўтарилаётганлиги афсуслланарлидир. Республикамиз қўриқлари жиддий проблемаларни кўтариш имконини беради. Янги жойларни ишчи кучи билан таъминлаш, кўчиб келаётган турли миллат, табақа кишиларнаро бирликнинг пайдо бўлиши, йирик корхоналарда ишлаётган кишиларнинг талаб, эҳтиёжлари, илмий-тадқиқот институтларида олиб борилаётган ишлар... Буларнинг ҳаммаси муаммоларга бой, жиддий ўйлаб кўриш имконини беради. Қолаверса, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПССнинг XXVI съездидаги докладини синчиклаб ўқисак, ҳаётимиздаги жуда жиддий проблемаларга тўхталиб ўтилганлигининг гувоҳи бўламиз.

КПСС XXVI съезди материалларини синчиклаб ўрганган одам иқтисодий ҳаётимизда қайта қуриш муҳим ўрин эгаллаётганлигини сезмаслиги мумкин эмас. Пахта майдонларини, терим машиналарини, саноат корхоналаридаги ускуналарни такомиллаштириш бундан кейин ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ниҳоят, ҳозирги пайтда жамиятнинг асосий ҳужжаси — оила проблемаларига жиддий эътибор берилмоқда.

Оила таъминоти, интилиши, мақсадлари, маданият савияси сингари проблемаларнинг илмий ҳал қилиниши жамиятнинг янада мукаммаллашиши, тараққиёти омилидир. Афсуски, бизда мана шундай тадқиқот очеркларнинг йўқ. «Правда» газетасининг 1981 йил 5 январь сонида В. Герасимовнинг «Венгер оиласи» номли тадқиқот очерки эълон қилинди. Кичкинагина очеркда жамиятнинг асосий ҳужайраси — бир оиланинг моддий таъминоти, маданий эҳтиёжлари, бола тарбияси, билим даражаси сингари масалалар аниқ ёритилган. Автор ишчи, деҳқон ва зиёлининг оилик даромади ва буромадини илмий манбаларга асосланган ҳолда кўрсатган. Бизда ҳам ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи, муассасалар мавжуд. Нега ёзувчиларимиз қизиқарли проблемалар ҳал қилинаётган ерларга кам борадилар? Фикримизча, ёзувчилар очерк масаласига алоҳида эътибор беришлари, санъаткорлар диққатини янги проблемаларга жалб этиши лозим. Ҳаёт муаммоларини, янгиликларни акс эттиришлари лозим.

Абдуғафур РАСУЛОВ,
филология фанлари кандидати.

СПОРТ

СПОРТЧИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ЎРОҚБОЙ ПОЛВОН

У эшикка чиққанида кун ёйилиб қолганди. Атроф жимжит. Ўроқбой пастликдаги чинор тарафга назар ташлади.

— Ҳм, яна йиғилишибди, — кўнглидан ўтказди у ва беихтиёр ўша ёққа йўл олди. Улкан дарахт соясида болалар ғужғон эди. Улар давра қуриб, галма-гал кураш тушардилар.

— Мана, полвоннинг ўзи ҳам келиб қолди?!

Қотмадан келган боланинг овозидан ҳамма Ўроқбойга қаради.

— Биз, бу ерда, сенга бас келадиган полвон саралаш учун ўзаро беллашаётган эдик, — тушунтира бошлади дарозгина бола.

— Қизиқсанлар-да. Мени енгишнинг ҳожати йўқ, — жаҳл қилди Ўроқбой. — ҳамма гап машқни ўрнига қўйиб, мактабларо мусобақада бўш келмаслиқда.

Болалар ўйланиб қолишди. Кейин яна давра олиб бир-бирларни ўртага чорлай бошладилар...

Бу пайтда Ўроқбой спортга ишқибоз ҳамқишлоқларидан бир-икки поғона юқори турар, спортчи сифатида эса анча танилиб қолганди. Шунга қарамай, олдинда уни машқлар, тинимсиз машқлар ва фақат машқлар кутарди...

Ў. Абдумуротов бугунги кунда самбо бўйича СССР спорт мастери. Хўжайли районидаги «Коммунизм» колхозида камол топган полвон йигитнинг номи кўпчиликка яхши таниш. У республика Ички ишлар министрлиги совғини учун Ўзбекистон шахсий мусобақасида олтинчи марта чемпион номини сақлаб қолди.

— Ўроқбойнинг усулларини зимдан кузатар эканман, беҳад қувондим, — дейди полвонлар устози Туҳфат Одилов.

— Бўлмасачи, — унинг гапини маъқуллайди кураш бўйича таниқли тренер Геннадий Калеткин. — Ахир миллий курашнинг бухороча усули республикамизда дзюдо ва самбочилар сафини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзинг биласан, бухороча беллашиш усулининг дзю-до ҳамда самбога хос ўхшашликлари бор.

Динамочи Абдумуротов республика терма командаси составида Львов, Минск, Ворошиловград ва Горький шаҳарларида бўлиб Бутуниттифоқ мусобақаларида республикамиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилди. Нукус шаҳрида Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги совғини учун ўтказилган навбатдаги беллашувда вазни 100 килограммдан зиёд полвонлар қатори майдонга тушган Ўроқбой бу сафар ҳам бўш келмади. Сирдарёлик Ш. Тожиевнинг қурагини ерга тегизиш учун 1,5 минут сарфлаган бўлса, хоразмлик Б. Ниёзматов билан андижонлик А. Муротовларни енгишга 1 минутдан вақт кетказди.

— Маълумки, кўча тасодифларга бой бўлади. Шу боис спорт билан ошнолигим касб-коримга ас қотади, — дейди район ички ишлар бўлими давлат автоинспектори, милиция капитани Ўроқбой Абдумуротов.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Суратда: Ў. Абдумуротов.
Р. Сандов фотоси.

ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Туркманистон ССР Министрлар Совети совғини учун Ашхободда эркин кураш бўйича ниҳоясига етган анъанавий Бутуниттифоқ мусобақасида истиқболли курашчиларнинг янги номлари аниқланди. Мамлакатимизнинг йигирма шаҳридан 150 га яқин спортчи мукофот учун куч синашди. Чимкентлик полвон С. Нурмагонбетов голиб чиқиб, биринчиликни эгаллади. Элистаник А. Нимгиров (52 килограммгача), бухоролик С. Мажидов (57 килограммгача), маҳачқалъалик М. Муртозалиев (74 килограммгача), Ленинакандан А. Валесян (90 килограммгача), ленинградлик К. Цомартов (100 килограммгача) ва ижевсклик К. Довитов (100 килограммдан ортиқ) мусобақада голибликни эгаллашди.

ВОЛЕЙБОЛ АССАМБЛЕЯСИНИНГ ҚАРОРИ

Европа волейбол федерациясининг Бош Ассамблеяси Софияда бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари Европа қитъасида спортнинг шу турини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бир қанча муҳим масалаларни муҳокама қилдилар. Ассамблея Европа волейбол федерациясининг янги уставини қабул қилди.

Эркаклар ва хотин-қизлар командалари ўртасида навбатдаги, ўн учинчи Европа биринчилигини 1983 йил ГДРда ўтказишга қарор қилинди. 1985 йилги чемпионат эса Голландияда ўтказилади. Ёшлар терма командалари ўртасида қитъа биринчилиги 1982 йил ГФРда бўлади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1981—1982 ўқув йили учун КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Илғор ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли Кучларидан запасга бўшатилганлар сафидан тўлиқ ўрта маълумотли шахслар саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт ва алоқа ташкилотлари, геология-қидирув ташкилотлари, совхозлар, колхозлар ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг йўлланмаси билан қабул қилинадилар.

Тайёрлов бўлимига кириш учун тавсияномалар камида бир йил меҳнат стажига эга бўлган шахсларга берилади. Меҳнат стажи ишчи (шогирд сифатидаги иш вақти ҳисобга олинмайди) ёки колхозчи вазифасидаги меҳнат фаолиятининг сўнгги йили давомида узлуксиз бўлиши зарур. Ўқишга йўлланган колхозчилар бир йиллик меҳнат фаолиятида шу колхоз учун белгиланган минимум меҳнат кунига эга бўлишлари керак.

Институтда қуйидаги факультетлар мавжуд: **РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ** (ўрта мактабни рус тилида тугатганлар учун), **МИЛЛИЙ МАКТАБДА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ** (ўрта мактабни она тилида тугатганлар учун).

КУНДУЗГИ ЎРТА МАКТАБНИ 1981 ЙИЛДА ТУГАТГАНЛАР ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИЛАР.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ректор номига ариза, иш жойидан (ҳарбий қисмдан) йўлланма, ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий қисмдан) характеристика, корхона раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан кўчирма, медицина справкаси (286-форма), 8 та фотосурат (3х4 см).

АРИЗАЛАР 1 ОКТЯБРДАН 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Рус тили ва адабиёти бўйича суҳбат 18 ноябрдан 24 ноябргача ўтказилади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 8 ой.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР СТИПЕНДИЯ, БОШҚА ШАҲАРЛАРДАН КЕЛГАНЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Ҳужжатларни топшириш вақтида паспорт, ҳарбий ҳужжатлар кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 700110, Тошкент шаҳри, Академик Решетов кўчаси, 4-уй.

«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги 214-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981-82 ўқув йилига

ҚУШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлаб чиқаради: саноат ускуналари бўйича слесарь-ремонтчи, металлар бўйича токарь, механика-йиғув ишлари слесари, электр ускуналарга хизмат кўрсатиш бўйича слесарь-электрчи, қўлда пайвандлаш бўйича электр пайвандчи, ярим автомат-машиналарда ишловчи электр пайвандчи, фрезеровкачи, штамповкачи, қуюв ишлаб чиқаришининг қолипловчиси.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшилади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига қабул қилинганлар ишлаб чиқариш практикаси давомида ишланган иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Билим юртини 4-5 баҳолар билан битирганлар имтиёзли шароитда олий ўқув юртларига кирадилар. 10-синф ҳажмида маълумоти билан билим юртини битирганлар билим юртини тугатганлиги тўғрисида аттестат оладилар. Ўрта мактабларни битирган ўқувчилар ойига 76 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар. Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхона берилади.

16 дан 25 ёшгача бўлган, 8—10 синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (паспорт), 8-синфни тугатганлиги тўғрисида гувоҳнома (10-синфни тугатганлиги тўғрисида аттестат), справкалар: турар жойидан, саломатлиги тўғрисида; 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида), автобиография.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16, 25, 28, 29-трамвайлар, 8, 9, 24, 44, 60 72 112. 115-автобусларнинг «Ғалаба боғи» бекати).

ТОШКЕНТ ТОПОГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ

1982 йил учун

СИРТКИ БЎЛИМГА

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТОПОГРАФИЯ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ.

Сиртқи бўлимга танлаган соҳаси бўйича ишлаётган 8-ёки 10-синф ҳажмида маълумотлилар қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ: 8-синф ҳажмида маълумотлилар учун 4 йил, 10-синф ҳажмида маълумотлилар учун 3 йил.

АРИЗАЛАР 1 октябрдан 1 декабргача қабул қилинади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ: 1 ноябрдан 16 декабргача математика (оғзаки) **ва рус тили ва адабиёти** (диктант, иншо) **дан ўтказилади.**

МАШҒУЛОТЛАР РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: 700125, Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, М. Горький проспекти, 82-уй (1, 17-автобуслар, 13, 22-трамвайлар, 18-троллейбуснинг «Универмаг» бекати).

●

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лаборатория мудирлари: электрофизика, ярим ўтказгичли электроника.

КОНКУРС МУДДАТИ — 19 октябргача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Улуғбек поселкаси.

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг

Ҳ. С. СУЛАЙМОНОВ НОМИДАГИ ҚУЛЕЗМАЛАР ИНСТИТУТИ

АҲОЛИДАН

шарқ қўлёзмалари, эски босма китоблар, ўзбек совет ёзувчилари ва шоирларининг архив материаллари, шунингдек фольклор материалларини

СОТИБ ОЛАДИ

Сотиб олинган китоб ва бошқа материалларнинг нархи ўзаро келишув асосида белгиланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69-уй. Телефонлар: 41-00-14, 41-08-01, 41-01-02.

●

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОХИМИЯ ИНСТИТУТИ

йирик масштабли карталар тузиш ва тупроқларни бонитировкалаш лабораториясининг катта илмий ходими (фан кандидати)

ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ — 17 октябргача.

Мурожаат учун адрес: 700109, Тошкент шаҳри, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Телефон 46-09-50.

●

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Совет цирки ёш усталарининг конкурсли томошалари.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горнчилар, қаердасиз? 10.35 — Осуда Одесса. Бадиий фильм. 12.00 — Концерт. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 16.30 — Фильм-концерт. 17.00 — Кипр Республикасининг мустақиллик кунига бағишланган программа. 17.15 — Моҳир қўллар. 17.45 — Ҳужжатли фильм. 18.20 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Қувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Экономика тенгамли бўлиши керак. 19.45 — Концерт. 20.40 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Спорт программаси. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Шонр ва революция. 10.05 ва 12.05 — Испанча сўзлашинг. 10.35 — 11.45 — Табиатшунослик. 10.55 — В. Васильев асарлари саҳифаларида. 12.40 ва 13.40 — И. С. Тургенев. 13.10 — Сиз яратган бог. 14.10 — Ўқитувчи экрани. 14.40 — Я. Смеляков поэзияси. 15.10 — Қисқа метражли бадиий фильмлар. 16.00 — Драматургия ва театр. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Фильм-концерт. 20.15 — Ҳамдўстлик. 20.40 — Концерт. 21.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Актриса. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Жамиятшунослик. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Жамиятшунослик. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида. 19.00 — Ешлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Гаргантюа ва Пантагрюэль. Бадиий фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Сенинг остонангда. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Спектакль. 19.30 — Шифокор экрани. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ҳужжатли фильмлар. 21.30 — Москва-IV.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Сиз ёқтирган қўшиқлар. 9.35 — Эстрада концерти. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Чорвадорлар байрамолди вахтасида. 14.00 — Машина терими муваффақият гарови. 15.00 — Олис масофаларда ва мураккаб шароитларда хизмат қилаётган гидрометеостанциялар ходимлари учун эшиттириш. 18.15 — Ешлик. 19.25 — Ной наволари. 20.50 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.00 — Олтин фасл. 21.20 — Концерт. 22.30 — Музикали программа. 23.15 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-99-50.

Р. 02236. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 227. 8